


22

N1 21247
o₃

ҲИКОЯЛАР
КУХУБХОНАСИ



Марк Твен


↗ ЗМА БЕССИ

Марк Твен

21247
Огд

ЗМА БЕССИ

ХИКОЯЛАР



УзССР Давлат бадиий
одабиёт кашриёти
Ташкент 1963

Русчадан
Усмон Шамсимуҳамедов
таржимаси

Машҳур Америка ёзувчиси Марк Твенning романлари, повесть ва ҳикоялари оддий меҳнаткаш ҳалқа ён босиш, эксплуататорлар сиёсатни қораташ ғоялари билан сугорилган.

Ўзбек қитобхонлари бу тўпламда ёзувчининг диний эътиқод ва урф-одаїларга қарши қаратилган «Эзма Бесси», «Харбий ибодат», «Христианлик таълими», «Таврот вайз-насиҳатлари ва диний тактика» каби ҳикояларини ўқнидилар. Авзор диний ақидаларниг нақадар бемаъни, тутуруқсиз эканлигини айниқса «Христианлик таълими», «Капитанинг ҳикояси», «Харбий ибодат» каби ҳикояларида усталик билан фош этади.

Твен Марк.
Эзма Бесси. Ҳикоялар. (Усмон Шамсимуҳамедов тарж.).
Т., Уззадабийнашр, 1963.
64 бет
Твен Марк. Любознательная Бесси, Рассказы.
И(Амер).



ЭЗМА БЕССИ

Жажжигина Бесси яқинда уч ёшга киради. У жуда ёқимтой, вазмин, эсли қизча; у хаёлчан, гоҳ у тӯғрида, гоҳ бу тӯғрида ўйлашни яхши кўрадиган, ҳар доим «нима учун?» деб сўраб-суршириб, атрофда бўлаётган ҳодисаларни билдиб олишга уринадиган қизча. Бир куни у онасидан:

— Ойижон, нима учун олам бунчалик азоб-уқубат ва ташвишларга тўла? Нима кераги бор ҳаммасининг? — деб сўради.

Бу унчалик қийин савол бўлмаганлиги учун ойиси ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмай, дарров жавоб қила қолди.

— Ҳаммаси ўз фойдамиз учун, қизгинам. Бизларни тӯғри йўлга солиш ва яхши одам бўлиш-бўлмаслигимизни синаб кўриш учун худованди карим юборади.

— Демак, азоб-уқубатлар худодан эканда?

— Ҳа, ўшандан.

— Ҳаммасиям-а, ойижон?

— Ҳа, жоним, ҳаммаси ҳам. Ҳамма нарса ўша

худонинг хоҳиши билан бўлади. Лекин буларни бизга камоли юраги куйганидан, бизларни яхши бўлсин, деб юборади.

— Ажаб, ойижон.

— Нимаси ажаб, жоним? Ҳеч ажабли жойи йўқ. Бу ишларни қизиқ деган одамни умримда учратмаганман. Менимча, шундай бўлиши керак ва бу ишлар раҳм-шафқат ва доноликдан бошқа нарса эмас, қизим.

— Бошлаб ким шундай деб ўйлаган-а, ойи? Сизми?

— Йўқ, қизгинам, менга шундай деб ўргатишган.

— Ойижон, ким шундай деб ўргатган?

— Бе, эсимда турармиди, қизим. Ё ойимлар, ёки руҳоний домла-да. Ҳар ҳолда, бу гапларнинг тўғрилигини ҳар кимса билади.

— Ойижон, менга қизиқ туюляпти! Айтингчи, ойи: Билли Норрисга терлама касалини ҳам ўша худо юборганми-а?

— Ҳа.

— Нима учун?

— Нима учунинг нимаси? Уни тўғри йўлга солиш учун, яхши бола бўлсин деб, қизим.

— Ахир, у терлама касалидан ўлди-ку. Энди нимаси яхши бола бўлади!

— Ҳа, айтмоқчи! Демак, оллонинг бошқа мақсади бор экан-да. Ҳар ҳолда донишманд мақсад!

— Ойижон, қанақа мақсад экан ўша?

— Бе, ҳадеб сўрайверасанми, қизим. Худо, балки, Биллининг ота-онасини синааб кўрмоқчи бўлгандир.

— Ойижон нима бўлганда ҳам, бу яхши эмаску, ахир? Агар худо Биллининг ота-онасини синааб кўрмоқчи экан, ўзини нега ўлдириб қўйди?..

— Билолмадим, қизим. Лекин шуни билиб қўй, унинг мақсадлари оқилона, ўзи раҳмдил.

— Қанақа мақсад, ойижон?

— У Биллининг ота-онасини жазоламоқчи бўлган. Улар гуноҳ қилиб қўйишган бўлса керак.

— Ойижон, ахир, Билли ўлиб қолди-ку! Ахир, бу тўғрими?

— Албатта тўғри, худованди карим беҳуда ва адолатсиз иш қилмайди. Ҳозир сен бу гапларни тушунмайсан, катта бўлганингдан кейин худонинг тўғри ва оқилона иш қилаётганига тушуниб қоласан.

Сукунат.

— Ойижон, ўт тушган уйдан касал кампирни олиб чиқаётган кишини томга бостириб қўйган ҳам худоми?

— Шундай, болам! Шошма энди! Бунақа нарсаларни сўрайверма, мен билмайман. Мен бир нарсанигина биламан: у бирор кишини тўғри йўлга солмоқ ёки жазоламоқ, ёки бўлмаса ўз қудратини кўрсатмоқ учун шундай қилган бўлса керак.

— Миссис Уэлчнинг боласини бир маст киши паншаха билан урганда-чи...

— Бунақа гаплар билан сенинг ишинг бўлмасин! Худо, балки, у чақалоқнинг бошига мусибат солиб тўғри йўлга солмоқчи бўлгандир.

— Ойижон, мистер Берджес айтдики, миллионларча майда махлуқлар бизларни чақиб вабо, терлама каби минглаб касалликларга дучор қиласар эмиш, шу тўғрими? Шуларни худо юборадими?

— Ҳа-да, қизгинам, шундай. У юбормай бошка ким юборсин?

— Нега юборади, ахир?

— Тўғри йўлга тушиб олишимиз учун. Буни сенга минг марта айтдим-ку.

— Бу даҳшат-ку, ойижон! Тентаклик! Агар мен бўлсам...

— Жим бўл, овозингни ўчир! Ҳаммамизни ер ютсин демоқчимисан?

— Ойижон, ўтган ҳафта жомхонага яшин тегиб черков ёниб кетибди. Нима, худо черковни ҳам тўғри йўлга солмоқчими迪?

— (Чарчайои.) Билмадим, балки шундайдир.

— Ўшанда бегуноҳ бир чўчқага яшин тегиб ўлибди. Худо ўша чўчқани ҳам тўғри йўлга солмоқчи бўлганми迪?

— Жонгинам, энди бир чиқиб ўйнаб келсанг... Бор, бир оз ўйнаб кел-чи.

— Манови гапларга қаранг, ойи! Мистер Холлистер айтадики, ҳар бир қуш, ҳар бир балиқ, ҳар бир қурбақа ёки калтакесак, ҳар бир тирик жоннинг тишлаш, пайини қирқиши, қийнаш, ўлдириш, қонини сўриш, тўғри йўлга солиши, тақводор ва художўй қилиш учун худо томонидан юборилган қушандалари бўлар эмиш-а? Шу тўғрими, ойи? Мистер Холлистер шу гапларни гапираётиб кулди, шунинг учун сўрапман.

— Холлистер ярамас одам ва сен унинг гапларига қулоқ солмагин.

— Ойижон, нега у шунаقا қизиқ қилиб гапириб беради, ё тақводор бўлиш ҳаракати борми? Ў айтадики, арилар ўргимчакларни тутиб, ер остидаги инларига қамаб қўярмиш-а — тирик ўргимчакларни-я! Ўргимчаклар у ерда қанча кунгача азоб чекармиш, ари болалари бўлса-чи, ойи. ўргимчаклар тақводор ва художўй бўлсин деб, худонинг оқилона ишларига таҳсин ўқиши ўрган-

син, деб унинг оёғи, қоринларини бир чеккадан тишилаб ейишаверишар эмиш-а. Менимча, мистер Холлистер яхши одам, жуда ажойиб одам! Мен ундан сиз ҳам ўргимчакларни шунақа ўлдирамидингиз деб сўрасам, агар шундай қилсам, мени жин урсин деди, иннайкейин айтдики... Ойижон, тобингиз қочдими? Югуриб бориб бирор одамни ёрдамга чақириб келайми? Шундай иссиқ маҳалда шаҳарда ўтириб бўлармиди?



ҲАРБИЙ ИБОДАТ

У пайтлар зўр ғалаён ва олатасир даврлар эди. Бутун мамлакат жангга отланган — уруш борар, ҳар бир одам қалбида муқаддас ватанпарварлик ҳисси туфён урар; барабанлар гумбурлар, оркестр садолари янграр, ўйинчоқ тўппончалар тинмай отилар, ракеталар чийиллаб, чарсиллаб осмонга учар; қаёққа қараманг, узоқ-узоқлардаги том ва балконлар тепасида сон-саноқсиз байроқлар қуёш нурида ҳилпираб ярақлар эди; ёш, қувноқ, чиройли, суқсур кўнгиллилар яп-янги мундирлар кийиб кенг кўчаларда машқ қилишарди. Ота-оналари, опа-сингиллари ва қаллиқлари уларни йўлда учратиб қувончдан қийқириб қутлашар эди. Ҳар куни кечқурун халойиқ тўпланиб, бирор бир ватанпарвар нотиқнинг юрак торларини чертувчи нутқини жимгина тинглар, гоҳо гулдурос қарсаклар билан гапини бўлиб турар, айни вақтда кўзларидан ёш тирқираб чиқар эди; черковларда бўлса руҳонийлар ҳаммани ватанга ишонч ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этар, уруш худосига: бизнинг бу ҳақ ишимизда ўзинг мададкор бўл, деб ибодат қилишар эди. Ибодатларни тинглар экан, йиғламаган одам қолмасди. Ҳақиқатан ҳам навқирон замонлар эди; урушга

енгилтаклик билан фикр билдиришга юрак бетланган, унингadolатли уруш эканлигига шубҳа қилган баъзи кишилар эса тезда ҳамманинг ғазаб ва нафратига учрар, ўз тинчлигини ўйлаб, шу заҳоти нафаси ўчар эди.

Якшанба ҳам келди, эртасига қўшинлар ҳужумга ўтиши керак эди: черков эрталабданоқ одамга лиқ тўлди: ёш чеҳраларида жасорат ва қаҳрамонлик барқ урган кўнгиллилар ҳам шу ерда эди; лекин бутун эс-ҳушлари жанг майдонида эди: мана улар шиддат билан, тобора жадал ҳужум қилмоқдалар, қиличлар ялтирас, душман қочар, талваса, порох тутуни, душман шиддат билан қувиб борилмоқда; душман таслим ҳам бўлди, мана интизор бўлиб кутилган, жанг-жадалларда тобланиб, ғалаба қозониб қайтган севимли қаҳрамонлар уй-уйларига қайтиб ҳам келди! Кўнгиллилар ёнида уларнинг бахтиёр ота-оналари мағур ўтиришар, ватанга зафар келтириш ёки унинг озодлиги йўлида қурбон бўлиш учун жангга юборадиган ака-укалари, ўғиллари бўлмаган дўст-ёrlари, қўни-қўшниларининг уларга ҳаваси келарди. Черковдагилар эса тоат-ибодат билан овора: руҳоний тавротдан жанг сурасини ўқиб берди, ундан сўнг биринчи ибодатни ўқиди; орган овози бутун бинони титратиб янгради: ибодат қилаётгандарнинг ҳаммаси баробар ўринларидан туришди. Ҳаммаларининг юраклари орзиқар, кўзлари ёниб турар эди; қудратли чорлов хори янгради:

Сен ерга даҳшат солувчи олампаноҳсан,
Чақмоғу момақалдироқ ҳам бўйсунар сенга.

Шундан сўнг узундан-узоқ ибодат давом этди. Бу ибодатнинг жўшқин ва таъсирчанлигига ҳамда фасоҳатига бирор нарсани тенглаштира

оладиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Бу ибодатларда эзгу ниятли ва шафқатли, бузрук шавкатли ёш жангчиларни ўз паноҳида асрарши, ватан йўлидаги жасоратларида ёрдам беришни, суюнчиқ бўлишни ва қўллаб-қувватлашни илтижо қиласидилар; худованди карим ишқилиб уларга ёр бўлсин, жанг ва хатарли кунлари ўз паноҳида асрарсин, куч-қудрат баҳш этсин, қонли жангларда мадад берсин; душманни яксон этгач, уларнинг ўзига ҳам, қурол-аслаҳаларига ҳам, мамлакатга ҳам шон-шуҳрат баҳш этсин.

Шу вақт черковга бир нотаниш мўйсафид кириб, ўрта йўлдан аста-секин қадам ташлаб, меҳроб томон жимгина бораверди. Руҳонийга тикилиб борувчи бу чолнинг устидаги камзули тўпиқларини ўпид туар, узун, оппоқ соч-соқоли ажин босган юзини қоплаб олган. Унинг важоҳати қандайдир ғайри табиий бўлиб, ҳатто мурда ҳиди келаётгандай эди. Ҳамма унга ҳайрон бўлиб қарди. У скамейкалар орасидан жимгина юриб бориб, минбарга чиқди-да, руҳонийнинг ёнида унинг гапи тугашини пойлаб тураверди. Руҳоний кўзларини юмиб олиб, ҳаяжонли ибодат билан овора бўлганлиги сабабли ёнида бегона одам турганини ҳам сезмай, ўқишини давом эттираверди ва охири: «Ер-сувлару, қурол-кучимиз паноҳи, эй парвардигори олам, қўшинларимизга ўзинг мадад бер, ғалабамизга ўзинг ёр бўл!» деб ибодатни тутатди.

Бегона одам эса унинг ёлкасига туртиб, нарироқ тур, дегандек ишора қилган эди, ҳайрон бўлган руҳоний тезда бу илтимосни бажо келтирди ва у одам унинг ўрнига ўтиб олди. У таажжубланиб турган сомеъларга бир зум ғазабли боқар экан, кўзлари ёнаётгандек бўлди ва бўғиқ овоз билан гап бошлади.

— Мен арши-аълодан сизларга парвардигор-нинг саломини етказгани келдим!

Сомеълар турган жойларида қотиб қолишиди; бегона одам уларнинг қўрқувини сезган бўлса-да, ҳеч эътибор бермади.

— Парвардигор ўз бандаси бўлмиш сизларнинг раҳбарингиз ибодатини инобатга олди ва сўраган нарсаларингиз маъносини, тўғрироғи, тўла маъносини, мен — парвардигорнинг элчиси, тушунтириб бергач илтимосларингни бажо келтиришга тайёр; чунки, сизлар ҳам ўз ибодатларигизда, кўпгина бошқа инсонлар қилган ибодатдаги каби, худодан ўйламай-нетмай ҳаддан ташқари кўп нарсаларни сўрайверасизлар.

Хўш, сизларнинг ва парвардигорнинг қули ибодат қилди. Ибодат қилмасдан олдин ўйлаганми-кан у? Фақат шу ибодатми ёки бошқаси ҳам борми? Икки хил ибодат бор: биттаси — у овоз чиқариб ўқигани, иккинчиси эса ичидаги ўқигани. Аммо айтилгани ҳам, айтилмагани ҳам — бутун илтижоларинг сомеълар қулоғига етиб борди. Буни яхшилаб ўйлаб кўринглар ва эсдан чиқарманлар. Ўз иш ва қилмишларингизга худодан шафқат сўрашда эҳтиёт бўлинглар, чунки худди шу пайт, ўз хоҳишингиздан ташқари, қўшнингизга лаънат ёғдирган бўласиз. Сиз ибодат қилиб ўз ерларингиз учун худодан ёмғир сўрайсиз — бу билан сиз қўшнингизга фалокат тилаб ибодат қилган бўлишингиз мумкин, чунки унинг ери ёмғирга муҳтоҷ бўлмаслиги, ёмғир эса ҳосилга мутлақо зарар келтириши мумкин.

Руҳоний қулингиз ўқиган ибодатнинг овоз чиқариб ўқиган қисмини тингладингиз. Парвардигор мени ичда ўқилган ибодатнинг иккинчи қисми — раҳбарингиз ва ҳаммаларингиз қалбдан ўқиган қисмини тушунтириб беришга юборди.

Тушунмай, ўйламай нима ҳақида ибодат қиляп-сизлар? Илоҳи, тилакларнигга етинглар. «Парвардигор, ўзинг мадад бер, қўлимизни баланд қил!» деган сўзларни эшитдингларми? Шунинг ўзи кифоя. Сизлар овоз чиқариб ўқиган ибодатлар ҳаммаси ана шу сермазмун сўзда ўз ифодасини топган. Ортиқ шарҳлашнинг фойдаси йўқ. Фалаба учун ибодат қилиш билан сизлар кўпгина ўзингиз айтмаган воқеалар ҳақида ҳам ибодат қилдинглар. Булар ҳам ғалабага кўмаклашади, унга кўмаклашиши лозим, кўмаклашмай иложи ҳам йўқ. Шундай қилиб, кўнгилда ўқилган ибодат ҳам парвардигорга етиб борди, шундан кейин у, мени буларни тушунтириб бериш учун юборди. Диққат қилинглар!

Эй парвардигор, ёш ватанпарварларимиз — кўнгил орзуларимиз жангга кетмоқдалар, уларга ўзинг ёр бўл! Биз ҳам хаёлан улар билан бирга тинч ва иссиқ ватанимизни ташлаб, душманни тор-мор этгани кетаётгандекмиз. Парвардигори олам, душман солдатларини снарядлар билан тилка-пора қилишга ўзинг мадад бер; душман ерларини уларнинг ўз ватанпарварлари ўликларига тўлдириб ташлашда ўзинг ҳамроҳ бўл; душман қуролларининг овозини оғриққа чидай олмай ингревчи ярадорлари овози билан кўмиб ташлашда ўзинг қўллагин; уларнинг шинам уй-жойларини ер билан яксон қилишда ўзинг мададкор бўл; душманнинг бегуноҳ бевалари қалбини сўймас ғам-алам билан яралашда ўзинг паноҳ бўл; уларни дўст-ёр ва бошпаналаридан маҳрум этишда ўзинг ёрдам бер; токи улар қуп-куруқ даштга айланган ерларида чориқ судраб, ёш болалар билан сувсизликдан, очликдан азоб чекиб сарсон-саргардон бўлиб ўлсинлар, ёзда иссиқдан куйиб-ёнсинлар, қишда совуқдан қалтираб-қақ-

шасинлар; шундай азоблаки, улар қилмишлари-дан пушаймон еб, сендан ажал тиласинлар; эй парвардигор, сендан илтифот тилаётган бу қулларинг учун душманинг ниятларини кўкка совур, жазосини бер, бир умр сарсон-саргардон қил, ҳорит-чарчат, кўз ёшларини дарё-дарё оқиз, оппоқ қорларни оёқ жароҳатларидан оққан қонлар билан бўя! Бизлар севги булоғи, уқубат чекувчилар паноҳпарвари, содиқ дўст ва халоскоримиз бўлмиш олампаноҳдан чин қалбимиз ва бутун вужудимиздан булар ҳақида илтижо қилиб сажда қилурмиз. Омин!

— (*Бир оз жим тургач.*) Сизлар худодан шуни сўрадинглар; агар шундай бўлишини хоҳласангиз, айтинглар! Парвардигор элчиси сизларга мунтазир!

Бу одамнинг жинни эканини кейинчалик кўпчилик тасдиқлади, чунки унинг гапларида ҳеч қандай маъно йўқ эди.



ТАВРОТ ВАЪЗ-НАСИҲАТЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАКТИКА

Цивилизацияга сабабчи бўлган ўзгаришлар ва миллий характер ҳеч вақт диннинг фаол иштиро-кидан ташқари содир бўлмаган. Бутун инсоният тарихида шундай бўлиб келган ва ҳамма вақт ҳам, шубҳасиз, шундай бўлади. Жилла бўлмаса, инсоният тадрижий эволюция йўли билан ҳақиқий гўзал ва олижаноб хислатларга эга бўлмагунча шундай бўлаверади. Шундай бўлиши учун эса ҳали миллиард йиллар керак бўлади.

Христианларнинг тавроти аслида дорихонанинг ўзига ўхшайди. Аммо ундаги дорилар тури ҳеч бир ўзгармайди, фақат уларни истеъмол қилиш усулигина ўзгара беради. Ўтган ўн саккиз асрдан бери унда камдан-кам ўзгариш бўлди. Даволаш усуллари эса оддийлигича қолди; оддий бўлганда ҳам энг қўпол ва хунуклигича қолди. Зеҳни паст ва нодон табиб беморга дорихонадаги мавжуд дорилардан эртадан-кечгача ҳадеб беўлчов қуя беради. Касалга ҳали қон қуяр, банка қўяр, қайд қилдирадиган ва ични юмшатадиган, сўлак оқизадиган дорилар бериб кўрар, хуллас, bemornинг касалдан соғайиб кетиши учун ҳеч имконият бермасди. Табиб bemornи ана шундай ру-

ҳан майиб қилиб, ўн саккиз аср азоблаб келди, лекин шу ўтган давр ичиде бемор бир кун бўлсада ёруғлик кун кўрмади. Дори-дармон масаласига келганда улар доим ўлдирувчи ёки сулайтирувчи заҳарлар ва шифоловчи, тинчитувчи дорилар бўлиб келди. Шуни ҳам айтиш керакки, диндор табиб ўзининг кўп йиллик тажрибасига суюниб, доимо биринчи усулда даволашга уринар ва натижада bemорга зарар етказарди, холос. Лекин барибир шундай қилаверарди.

Яқингинада, шу асримизда даволаш усулларида бир қадар кўзга кўринарли ўзгаришлар бўлди. Тўғри, асосан, бўлганда ҳам, ёки аниқроғи, Англия ва Кўшма Штатлардагина ўзгариш бўлди! Бошқа мамлакатларда эса bemорлар ҳозирги замонда ҳам боягидек ўрта аср усулларидан фойдаланади ёки врачсиз ўтаверади.


Инглизча гапирувчи мамлакатларда бизнинг асримизда юз берган ўргаришлар, даволанувчиларнинг даволаш усулларига қарши қилган қўзғолони натижасида содир бўлди; ҳар ҳолда, бу ўзгаришлар табиблар хаёлига келмаган ҳам эди! Беморлар ўзларини ўзлари даволашга қарор қилгач, касалларнинг сони борган сари камайиб кетди. Шунда табиб ишсиз қолмаслик учун даволаш усулини ўзгартирмоқчи бўлди. Бундай ўзгаришларни у истар-истамас, шароит талаб қилган ҳоллардагина қилди. У азоблаш ва умрбод лаънатлаш дорисини bemорга бошлаб ҳар кун эмас, кун орагина берадиган бўлди. Сўнгра борган сари камайтириб бораверди. Якшанба кунлари билан чекланиб, шу билан тамомлайн деганда, гомеопат пайдо бўлди-да, уни азоблаш ва абадий лаънатлаш усулидан мутлақо воз кечишга мажбур этди ва уларнинг ўрнига у христианлик севгиси, тасаллиси, раҳм-шавқати-ю, азоблашларини қўл-

лай бошлади. Бу нарсалар эса черков дорихоналарида доим мўл-кўл эди ва ич юмшатувчи, қайд қилдирувчи ярамас дорилар ва заҳарлар орасида зарҳал этикеткалари билан узун токчалардан кўзга яққол ташланиб туар эди. Бу дориларни ишлатмаганликлари учун фармацевтларни айбдор қилиб бўлмасди, чунки даволаш усули ўзи шунаقا эди. Бундан эллик йил бурун яшаган черков табибининг бутун ўн саккизинчи асрдаги авлод-аждодлари ҳаммаси эмчи бўлиб келганди; ҳозирги черков табибининг бундан эллик йил илгари яшаган авлоди ҳам шуидай эмчи бўлганди. Ўзи ўзи учун маънавий табиб бўлиб келган кишилар наزارида ҳозирги черков табиби нимага ўхшаб қолар экан? Ер, қуёш ва қуёш системасидаги барча планеталар учувчи чанг-тўзои, метеорлардангина ибодат бўлган замонларда реал ҳисобланган эволюция тўхтаб қолмагай ёки уйдирма бўлмаган тақдирдагина, ҳозирги черков табибининг тақдири нима бўлиши ўз-ўзидан равшан эди.

Руҳонийлар қўлловчи усуллар ҳам, уларнинг тарихи ҳам анча қизиқарлидир. Рим черкови асрлар давомида қулларга эга бўлиб, уларни олди-сотди қилиб келган; қул савдосига ижозат берган ва уни рагбатлантириб келган. Бир неча вақтлардан кейин, кўпгина христиан халқлари ўз қулларини озод қилгандан кейин ҳам, черков уларга эгалик қилиб кела берган. Аммо черков бошқача йўл тутиши мумкин эмаслигига иккиласи-ниш ҳам мумкинми, ахир! Ахир, бу ишлар ҳаммаси худонинг иродаси билан қилинади-ку; черков эса худонинг ердаги яккаю ягона вакили, ишончли одами, тавротнинг гуноҳсиз талқинчиси-ку, ахир! Фақат шу маънода талқин қилиш мумкин бўлган, бошқа маъноси бўлмаган муқаддас

оят бор-ку, ахир; шу сабабли черков доим ҳақли; у, тавротда нима буюрган бўлса шундай қилмоқда. Черков ўзининг ҳақ эканлигига ишонганлиги учун кўп асрлардан бери қулдорчиликка қарши оғиз ҳам очмай келади. Мана бугун биз, ниҳоят, рим папасининг: қул савдоси гуноҳ иш деб фатво берганини эшилдиқ ва ҳатто янги қуллар тутишни тўхтатиш учун Африкага маҳсус экспедиция юбораётгани маълум. Бинобарин, ақида ақидалигича қола берди, аммо тактикагина ўзгарди. Нима учун бундай бўлди? Шунинг учунки, инсонлар тавротга тузатиш киргизишмоқчи бўлишди. Аммо черков ўла қолса ҳеч вақт бу ишга рози бўлмайди, аммо шу билан бирга, у воқеалар думида судралиб, доим бирорларнинг хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятини қўлдан бой бермайди. Бу сафар ҳам у худди шундай қилди.

Англия христианлари 250 йилдан бери қулчилекни қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб келди! Муқаддас оталар эса бунга юз-хотир билан қараб, қул савдосида фаол қатнашар, гоҳо бу ишлардан ўзларини четда тутишар эди. Бу ишларда, албатта, Англияни қизиқтирган нарса христианликни қизиқтирган нарсаларнинг ўзгинаси эди, деб тасдиқлаш мумкин. Қул савдосининг ўзи ҳам бутун христианлик характеристида эди. Кўпдан бери сусайиб қолган қул савдосини яна жонлаштиришга ҳаммадан ҳам Англия кўпроқ ҳаракат қилди ва натижада қул савдоси гўё христианлик монополиясига айланиб қолгандек бўлди, бошқача айтганда, қул савдоси фақат христианлар мамлакати ихтиёрига ўтиб кетди! Англия парламентлари қул савдосини қўллаб-қувватладилар ва унга ҳомийлик қилдилар. Англия қиролларидан иккитаси қул олди-сотди қилувчи ширкатда ҳиссадор эди. Биринчи инглиз профессионал қул овчиси Джон



Хокинс ўзининг иккинчи экспедицияси давомида тубжой халқлари яшовчи қишлоқларга бостириб кириб, ўт қўйиб, вайрон этиб, беозор аҳолини умрбод қуллик чангалига гирифтор этган эди. Бу овчининг номини ҳали ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Джон Хокинснинг бу ишларидан мамнун бўлган инглиз қироличаси эса унга ҳатто рицарь унвонини берган эди. Бу унвон эса бир пайтлари христианлик шон-шуҳратини кўкларга кўтаришда жасорат кўрсатган кишиларга берилар эди. Инглизларга хос самимий ва номига софдил бўлган бу янги чиққан рицарь ўз гербидаги тиз чўктирилган, оёқ-қўли кишанланган негр қулининг расмини тасвиirlади. Жаноб Джоннинг фаолияти ҳақиқий христианлик ихтироси эди ва бу қонли, даҳшатли монополия икки ярим асрдан бери христианлар қўлида қолиб келмоқда. Унинг ёрдамида уйлар вайрон этилар, оиласлар бузилар, эрлар ва аёллар, сон-саноқсиз инсон қалблари парчаланар эди! Буларнинг ҳаммаси христиан миллатларининг ривож топиши учун, фаровон ҳаёт кечириши учун, христиан черковлари қуриш учун, шафқат ва марҳаматли Паноҳпарвар таълимотининг бутун ер юзига тарқалиши учунгина қилинарди. Жаноб Джон кемасининг номи остида каромат маъноси яширганлигига илгарилари ҳеч ким гумон қилмаган бўлса ҳам, эндиликда бу нарса очиқ-ойдин бўлиб қолди. Бу кеманинг номи «Исо» деб аталарди.

Аммо бир кун келиб бир ярамас инглиз христиани қулчиликка қарши қўзғолон кўтарди. Қизиқ ҳол: ҳар қандай христиан ҳам илдиз отган қабиҳликка қарши қўзғолон кўтарса уни доим ярамас, иккинчи даражали, ҳамманинг нафратига учраган қандайдир сектага мансуб деб ҳисобларди. Кураш авжига минди ва охири қул олди-сог-

дисидан воз кечишга мажбур бўлишди. Таврот таълимоти аввалгича қолаверди-ю, фақат тактикаси ўзгарди.

Шундан кейин одатдаги бир воқеа содир бўлди. Мамлакатимизга келган бир инглиз — тирноқ орасидан кир изловчилардан бири — биздаги қулликдан даҳшатга келиб, ё раббим деб нола қилди. У мушкулини ҳатто сўз билан тавсифлай олмасди, сўзларида алам ва нафрат тўла эди! Тўғри, у биздаги бир ярим миллиондан камроқ қуллар аҳволига йиғлаган эди; ҳолбуки, унинг ўз Англиясининг денгиз ортидаги ерларида ўн икки миллион қуллари бор эди. Аммо бу унинг оҳ-воҳини босолмади, кўз ёшларини тиёлмади, нафратини юмшата олмади. Бизнинг ота-боболаримиз қулликдан қутулишга ҳаракат қилган, ҳар сафар Англия бунга турли йўллар билан ғов бўлар, режаларимизни бузиб ташлар, бу ишларга эътиборсиз қарап эди: чунки бу гапларнинг ҳаммаси бир тарихгина бўлиб қолган, ҳатто буларни эслаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Аммо бизлар ҳам ниҳоят бошқа динга мурожаат қилиб, қулчиликка қарши чиқа бошладик. Ҳамма жойда ҳам кўнгли бўш одамлар топилди, мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида, агар астойдил қидирилса, қулларнинг аҳволига бир қадар бўлса-да, ачиниш ҳислари ортаётганини пайқаш мумкин эди. Бу аҳволни черковлардан ташқари, ҳамма жойда учратиш мумкин эди. Тўғри, охири черков ҳам чидаш беролмади. Чунки черков доимо шу йўлни тутарди-да! У дастлаб қаттиқ ва шиддатли кураш олиб боради, сўнг одатдагича, воқеалар қўйруғида бораверади. Қулдорлик емирилди, аммо уни ёқловчи ривоятлар қолаверди, фақат тактикагина ўзгарди. Бўлган гап шу.

Кўп асрлардан бери жодугарлар мавжуд.

Таврот ана шундай деб даъво қилади. Аммо худди шу тавротнинг ўзи уларни йўқ қилишга фатво берган. Шунинг учун ҳам 800 йилдан бери ўз вазифасини ялқовлик, совуққонлик билан бажариб келувчи черков бу муқаддас вазифасини энди жиддийроқ — дорлар, қийноқлар воситаси ва оловда куйдиришлар ёрдамида амалга ошира бошлади. Черков тўққиз асрлик иши давомида қанчадан-қанча жодугарларни қамади, азоблади, осди ва куйдирди, бутун христиан оламини уларнинг нопок қони билан ювиб тозалади.

Аммо ҳеч қандай жодугар дейдиган нарсанинг йўқлиги ва ҳеч қачон бўлмагани тасодифан маълум бўлиб қолди. Шунда одам кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди. Жодугарлар йўқлигини ким топибди? Балки, черковчилар топган бўлса керак? Йўқ, улар ҳеч қачон ҳеч қандай кашфиёт қилган эмаслар. Черков қавмлари тавротни унутишганидан, мажбурият орқали қилган гуноҳлари ва жоҳилликлари учун кўзда ёшлари билан тавба қилганларидан кейин ҳам Салем шаҳрида руҳонийлар жодугарларни йўқотишга чақирувчи диний ақидани қаттиқ туриб ҳимоя қилавердилар. Руҳоний янада қон тўкмоқни, фош этмоқни, шафқатсизлик қилмоқни истар эди; аммо муқаддасликни қабул қилмаган қавмларгина уни бу йўлдан қайтардилар. Шотландиялик бир руҳоний жодугарни суд айбсиз деб топганидан кейин ҳам ўлдирди. Бир қадар раҳм-шафқатли граждан ҳокимиятлари жодугарларга қарши ярамас моддаларни қонунлар мажмуасидан чиқариб ташлашни таклиф қилганларида эса поплар илтимос, йифи-сифи, қарғишилар билан уларни бу ишдан қайтардилар.

Жодугар йўқ нарса. Аммо унинг мавжудлигини тан олувчи таврот эса ҳали ҳам бор. Фақат

тактигина ўзгарди. Ҳеч қандай жаҳаннам олови бўлмаса-да, таврот одамларни шу нарсалар билан қўрқитаверади. Онадан гуноҳкор бўлиб туғилиш афсона гап бўлса-да, аммо таврот уни бор деб даъво қиласаверади. Ўлимга ҳукм этувчи икки юздан ортиқ қонунлар мажмуаси йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, уларни яратган таврот ҳали ҳам мавжуд.

Инсонниң маҳв этувчи қалами теккан тавротдаги кўпгина оятлардан бирор бир фойдали ва эзгу нарса чиқмаганилиги диққатга сазовор ҳол эмасми? Бас, шундай экан, илм-фаннинг янада тараққий этиши билан инсон ўзининг диний тактикасига ҳам ўзига мақбул маъно кирита олади, деб ишониш мумкин.



ДАРВИШ ВА НОТАНИШ ШАДДОД

Дарвиш. Мен яна қайта-қайта айтаманки,
яхши иш...

Нотаниш шаддод. Овозингни ўчири,
калтабин! Яхши иш дейдиган нарсанинг ўзи
йўқ...

Дарвиш. Вой, беҳаё шаккок-эй!

Нотаниш шаддод. Ёмон иш ҳам бўлмайди.
Фақат яхши нияту ёмон ният бўлади, вассалом.
Яхши ниятнинг ярми оқибатда ёмонлик
келтиради, ёмон ниятнинг ярми эса яхшилик
келтиради. Оқибат натижага ҳеч кимса ҳоким-
лик қилолмайди ва уни аввалдан била олмайди
ҳам.

Дарвиш. Бошқача айтганда...

Нотаниш шаддод. Бошқача айтганда,
одамларни яхши ниятлари учун мақтагин, аммо
ярамас ишлари учун уни койимагин; одамларни
ёмон ниятлари учун койигин, аммо яхши ишлари
учун мақтамагин!

Дервиш. Вой аҳмоқ-эй! Демак, сен демоқ-
чисанки...

Нотаниш шаддод. Мана, бу қонунга қулоқ сол:
яхшими, ёмонми, ҳар бир ниятнинг икки

асоси бўлади: бири яхшилик, бири даҳшат. Бу қонун дунё яратилгандан бери ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам.

Дарвиш. Демак, мен сени жаҳл устида уласи қилиб саваласам...

Нотаниш шаддод. Мени даволамоқчи ва куч-қувват киргизмоқчи бўлиб берадиган доринг билан мени ўлдирсанг...

Дарвиш. Яхши, гапиравер.

Нотаниш шаддод. У вақтда икки ҳолда ҳам натижа бир хил бўларди. Доимий жон азобинг сен учун хунук оқибат, мен учун эса роҳат, дам олиш, азобнинг тугаши — яхши натижадир. Худо берган учала юрагим ёрилгудай бўлса, учқариндош-урофим катта мерос олган ва суюнган бўлар эди. Сени турмага қамасалар дўстларинг куйиниб юрар эди, аммо писмиқ ёрдамчинг эса ўрнингни эгаллаб бой, беташвиш ҳаёт кечирар, яйраб-яшнар ва хурсанд бўларди. Менинг ўлимимга сабабчи бўлган яхши ва ёмон ниятлар натижаси фақат шу яхши ва ёмон ниятлардан иборатми, ахир? Бурнининг тагидагидан бошқа нарсани кўрмайдиган киши тентак! Ҳар қандай ва ҳатто энг кичик ишнинг ҳам яхши ва ёмон томонлари асрлар давомида яшаб, кўпаяверади, астасекин бутун ер юзини қоплаб олиб, аср тугагунча, энг охирги катаклизмгача бутун келажак бўғин, авлод тақдирга ҳам таъсир этади.

Дарвиш. Демак, яхши ишлар ўзи булмаса...

Нотаниш шаддод. Мен сенга неча мартараб айтяпман-ку: фақат яхши ва ёмон ниятлар бор! Оқибат-натижани олдиндан кўриб бўлмайди. Натижада, шубҳасиз, ҳам яхши, ҳам ёмон нарса чиқади. Қулоқ сол! Бу — Америка Қўшма Штатлари Узоқ Фарби тарихидан.

ЮТ ШТАТИДАН ҚЕЛГАН САДОЛАР

I

Оқ доҳий (*оқтаниш одамларга муро жаат қилиб*). Бу каттакон сайҳонлик бир вақтлари чўлу биёбон бўлган. Худонинг ёрдами ва тинмай қилган ҳаракатларимиз соясида дарёни бўғиб, унинг сувини ўзимизга бўйсундирдик, чўлни гулистонга айлантиридик; очлик ва қашшоқликдан ўзга нарсани билмаган минглаб оиласаларга фаровонлик ва баҳт келтирдик. Цивилизация нақадар ажойиб, нақадар муруватли нарса-я!

II

Ҳинд доҳийси (*ўзқабиладошларига муро жаат қилади*). Бу каттакон сайҳонлик бир вақтлари гуллаб-яшнаган дала эди ва одамларимизга фаровонлик ҳамда баҳт-саодат келтирган эди. Бу ерларни суфоришни ота-боболаримиз испан руҳонийларидан ўрганиб эдилар. Лекин оқ танли бир американлик дарёни бўғиб, сувимизни тортиб олиб, ўз ерларига оқизди. Бизнинг ерларимиз эса сахрода айланди. Шу сабабдан биз очимиздан ўл япмиз.

Дарвиш. Биламан. Кўринишича, яхши ниятлар ҳақиқатан ҳам баб-баравар яхшилик ва ёмонлик келтирган. Бироқ, биргина воқеа қонун ва қоида бўла олмайди. Яна мисоллар келтир-чи.

Нотаниш шаддод. Қечирасан, ҳар қандай мисол ҳам бу қоидани исботлайверади! Колумб Янги дунё очиб, Европанинг ерсиз меҳнаткашларига фермалар, бойлик ва баҳт келтирди...

Дарвиш. Яхши иш!

Нотаниш шаддод. Аммо муҳожирлар у ернинг қадимий эгаларини заҳарлаб, таъқиб қила бошладилар; уларнинг бор-йўғини талаб, қашшоқقا айлантирилар; уларни бой ерлардан сурриб чиқариб, қанча-қанча қабилаларни йўқ қилиб юбордилар.

Дарвиш. Ҳақиқатан ҳам чакки, бир нима деёлмайман.

Нотаниш шаддод. Француз революцияси беш миллион оиланинг ёстигини қурилди, мамлакатни қонга ботирди, бой мамлакатни қашшоқ қилди.

Дарвиш. Хунук иш!

Нотаниш шаддод. Аммо озодликнинг ҳар бир буюк, қимматли заррасидан ҳозирда бутун континентал Европа халқлари фойдаланмоқдалар; улар бу революциядан жуда-жуда миннатдорлар.

Дарвиш. Тан оламан, натижа яхши.

Нотаниш шаддод. Америка қуроллари ёрдамида Филиппин халқини ўзимизнинг маънавий даражамизга кўтаришдек яхши ниятлар билан руҳланган ҳолда иш тутиб, эндиликда ўзимиз улардан пасайиб кетдик.

Дарвиш. Жуда ҳам хунук иш!

Нотаниш шаддод. Бироқ, Америка Кўшма Штатлари дунёга танилди.

Дарвиш. Буни бир ўйлаб кўришга рухсат эт. Ҳозирча давом этавер.

Нотаниш шаддод. Уч юз минг солдат ва саккиз юз миллион доллар ўжар бур халқи маданиятини кўтариш каби яхши ниятни амалга оширишда Англияга ёрдам берди. Англия уларни поклади, яхшилади ва баҳтиёр қилди. Буларга улар ўз кучлари билан ҳеч вақт эришолмаган бўлардилар.

Дарвиш. Бу жуда ҳам яхши иш!

Нотаниш шоддод Түғри, албатта. Бироқ бур халқидан ҳаммаси бўлиб ўн бир кишигина тирик қолди-да.

Дарвиш. Демак, натижа ёмон экан-да. Лекин бирор хулосага келишдан олдин мен ҳам ўйлаб кўришим лозим экан.

Нотаниш шаддод. Мана сенга охирги бир мисол. Христиан миссионерлари ҳам Хитойда саксон йилдан бери энг яхши ният билан иш кўрмоқдалар.

Дарвиш. Бу ҳам ўша хунук ниятдан келиб чиққани сабабли.

Нотаниш шаддод. Шу сабабли юз мингга яқин хитой бизнинг маданиятдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Дарвиш. Яхши ният ҳам...

Нотаниш шаддод. Худонинг карами билан тўрт юз миллион хитой бу қисматдан қутулиб қолди.



КАПИТАННИНГ ҲИҚОЯСИ

Тинч океаннинг кекса капитани Джонс ҳақида ўз даврида жуда кўп миш-мишлар тарқалгай эди. Раҳматлик Джонснинг лақаби ҳам ўзи «Бўрон» эди-да! Бу ерда ўтирганлардан икки-учтамиз у билан учрашган эдик; уни мен жуда яхши билар эдим, чунки у билан тўрт марта сафарга чиққан эдик. У жуда ажойиб одам эди-да. Ўзи ҳам кемада туғилган, қитдак билимини ҳам ўзи билан бирга сузувчи ўртоқларидан кам-кам ўрганиб олган эди. У дengиздаги хизматини дастлаб бак¹ посбони вазифасидан бошлаб, охири капитанлик даражасигача етган эди. Джонс чол ўзининг олтмиш беш йиллик умрининг эллик йилидан ортиқроғини дengизда ўтказган; бутун океанларни кезиб чиққан, кўп мамлакатларни кўрган ва унипг териси ҳам барча минтақалар офтобида пишган эди. Агар киши ярим асрлик умрини дengизда ўтказса, табиийки, у инсонларни, ёруғ дунёни ва ўзи кўрганларидан бошқа ҳеч нарсани, инсоният тафаккури тараққиёти, дунёвий фанлар ривожи ҳақида ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатлардан

¹ Кеманинг тумшуғи.

бошқа ҳеч нарсани билмайди. Билганлари ҳам, нодонлик туфайли, ўтмаслашиб, борган сари унтилаверади. Бундай одам худди соч-соқолли мўйсафид болага ўхшайди. Ана шу Джонс бўрон чол ҳам соддадил, ёқимли гўдак чолга ўхшар эди. Ўкайфи яхши пайтлари худди қизлардек ювон ва беозор бўлар, жаҳли чиққанда эса бамисоли бўрондек қўзғалар эди. Бундай пайтлари Бўрон лақаби ҳам унинг табиати ҳақида тўла тасаввур бера олмасди. Бу довюрак ва азamat паҳлавон курашда янада даҳшатли бўлар эди. Бадани бошидан-оёқ қизил ва кўк рангли расм ва ёзувлар билан безаб ташланган эди. Мен у билан танасидаги сўнгги бўш жойига — чап тўпифи атрофига расм ишлатган кезида сафарда бирга бўлган эдим. У кемада уч кунгача шишиб кетган тўпифини очиб оқсоқланиб юрар экан, семиз баданидаги «Ҳимматли одам тақдир-ди» (тўла ёзиш учун жой етмаган) деб ёзилган қизил ва кўкимтири хатлар кўриниб турарди.

Джонс чол диндор бўлишига қарамай, балиқ-фуруш аёллар каби оғзидан боди кириб шоди чиқар эди. Буни у гуноҳ деб ҳам ҳисобламасди, чунки сўкишсиз буйруқни матрослар тушунмайди деб биларди. У зўр таврот тадқиқотчиси ва шарҳчиси эди, яъни ўзини шундай деб биларди. У тавротда ёзилганларнинг ҳаммасига ишонар, бу ишончни ҳар гал ўзича, ўз усули билан изоҳлар эди. Капитан «илфор» мутафаккирлар мактабига мансуб бўлиб, дунё яратилган олти кунни олти географик давр ва бошқаларга айлантириб тушунтирган кишилар каби у ҳам ҳар қандай ажойиботларни табиат қонунларига суюнган ҳолда тушунтираверарди. Замондош илоҳиёт олимлари ҳақида одамларда ҳаддан ташқари хунук тасаввур қолдиришини ўзи ҳам сезмасди. Бу менинг капитаним

каби кишилар ўз изланишлари ҳақида, зўр ҳавас билан баҳслашув ва фикр олишувни яхши кўришлари ҳақида гапириш лозим бўлармикин?

Сафарлардан бирида капитаннинг кемасида бир руҳоний ҳам бор экан; лекин бу одаминг руҳоний экани унинг хаёлига ҳам келмаган, чунки йўловчилар рўйхатида ҳам бу ҳақда қайд этилмаган экан. Капитан жапоб мистер Питерсга ҳаддан ташқари ўхшаш бу одам билан узундан-узоқ суҳбатлашиб ўтирибди: унга латифалар, қизиқ воқеалар, ўз бошидан кечирган ачиқ-чучук ҳодисаларни ҳикоя қилиб берар; бу беҳуда эзмаликларини ҳам художўй сўзлар билан безаб гапирав экан. Унинг мазмунсиз, қуруқ гапларидан чарчаган суҳбатдошига бу диний сўзлар бир қадар таъсир ҳам қиласкан.

Бир куни капитан:

— Питерс, сиз тавротни ўқиганингиз борми?— деб сўраб қолибди.

— Ҳа... ўқиганман,— дебдп у.

— Тўғри, баъзи бераётган жавобларингиздан, ўқиганлигинги сезилиб турибди. Уни зўр иштиёқ ва эътиқод билан ўқий бошласангиз, вақтингиз беҳуда кетмаслигига тезда имонингиз комил бўлади. Лекин ҳафсала билан охиригача ўқиб чиқинг. Бошда ҳеч нарса тушунмайсиз, лекин астасекин ҳаммасига тушуниб оласиз, шундан сўнг бoshingizni kўtarмай ўқийверасиз!

— Тўғри, бу гапни мен ҳам эшитгандим.

— Асли ўзи шундай-да. Дунёда ҳеч қандай китоб тавротга тенг кела олмайди. Питерс, унинг олдида ҳаммаси бирпул. Китобда қийин ўринлар ҳам бор, аммо на илож; қайта-қайта ўқиб, мияни яхши ишлатиб мағзини чақсангиз, ҳаммаси худонинг ёруғ кунидек равшан бўлади-қўяди.

— Ажойиботлар ҳамми, капитан?

— Ҳа, жаноб. Ажойиботлар ҳам. Жумладан, Ваал пайғамбар тарихини ола қолайлик; фикрим-ча, унга сиз қойил қолгандирсиз, түғрими.

— Билмадим-ку, лекин...

— Очигини айтаверинг, қойил қолгандирсиз. Үзи ҳам шундай бўлиши керак-да. Бундай ишлар қилишга сизнинг тажрибангиз етмайди. Бундай ишларни қилиш сизга йўл бўлсин! Буни мен сизга хоҳласангиз ҳозир тушунтириб, гап нимада эканини айтиб бераман.

— Капитан, агар сизга малол келмаса, бажону дил тинглайман.

Шундай қилиб, капитан ҳикоя қила бошлабди:

— Сизга ҳамма гапларни жон-дилим билан тушунтириб бераман. Билсангиз, бошда ўқиб-ўқиб, ўзимча: қадимий таврот даври одамлари қандай бўлган экан, деб ўйлаб, ўйимга етолмай юрадим. Аммо гапнинг тагига тушунганимдан сўнг ҳаммаси очиқ-ойдин бўлди-қолди. Бу Исо ва Ваал пайғамбарлар тарихини ипидан-игнаси-гача қандай қилиб билиб олганимга қулоқ солинг. Қадимда машҳур кишилар орасида ҳам абжирлари бўлган. Исо ҳам худди шундай олғирлардан бўлган. Унинг талайгина камчиликлари бўлган; буларни оқлаб ўтириш эса менинг ишим эмас. У Ваал пайғамбарни боплаб қўлга туширган-да. Душманнинг катта кучга эгалиги ҳисобга олинадиган бўлса, балки, у, ўзича тўғри иш қилгандир. Мен унинг ёнини олмайман, албатта, лекин шуни айтиш керакки, бу ишда ҳеч қандай ажабланарли ери йўқ эди! Буни ҳозир сизга исботлаб бераман, шундан кейин сиз ишонасиз-қўясиз.

Уша замонларда пайғамбарлар, яъни Исо пайғамбар динидаги пайғамбарларнинг иши ҳеч ўнгидан келмабди. Жамоада эса тўрт юз элликта Ваал пайғамбарлари, биттаю битта пресвитери-

анц бор экан; у ҳам бўлса ҳақиқатан, Исо бўлган. Менимча, шундай бўлса керак, аммо бу ҳақда тавротда ҳеч нарса дейилмаган. Ваал пайғамбарларнинг барча мижозларни ўзларига қаратиб олишлари ўз-ўзидан маълум. Ана шундан сўнг Исонинг иши чаппасига айланди, деяверинг. Лекин у ҳақиқий эркак эди; шу сабабли бутун мамлакат бўйлаб кезиб, пайғамбарлик қиласкерган ва ишининг чаппасидан кетганилигини ҳеч кимга билдиримаган бўлса керак, аммо унга ҳеч нарса фойда беролмади — ахир, бир ўзи нима ҳам қила оларди! Лекин тез орада унинг сабр косаси тўлиб, ўзини у ёққа урибди, бу ёққа уриб кўрибди, иложи бўлмабди; шундан кейин яхшилаб ўйлаб, ақл юритибди. Нимани ўйлаб топибди, денг? Бирор аниқ гап айтмай душманларим ундей, душманларим бундай, деб юраверибди, бу миш-мишлар эса душманларининг обрўсига зимдан путур етказаверибди. Миш-миш тарқалиб, бу гаплар охири подшога ҳам етиб борибди. Шундан сўнг подшо Исадан, нега энди бундай миш-мишлар тарқатяпсан, деб сўрабди. Исо эса: «Мен шунчаки гапирудим-да, ҳа, айтмоқчи, улар осмондаги оловни қурбон қила оладиларми? Жаноб олийлари, бу иш, балки, унчалик қийин ҳам эмасдир-ку, шундай бўлса-да, бир синаб кўрсинлар деган эдим, холос. Бор гап шу. Буни эшитган подшонинг жаҳли чиқиби-да, Ваал пайғамбарлар олдига бориб сўраган экан, улар ўйлаб ҳам ўтирамай: қурбонлик бўлса бўлгани, бу ёгининг қийин жойи йўқ дейишибди. Шу билан бирга, подшоҳи олам у қурбонликлардан ўлпон олсалар ҳам ёмон бўлмасди, деган фикр ҳам билдиришибди.

Шундан кейин, эртасига эрталаб Исройлнинг бутун каттадан-кичигигача тўпланишибди. Бир томонда Ваал пайғамбарлар, иккинчи томонда эса

Исо пайғамбар жангга тайёрланиб дам олдинга, дам орқага юриб турғанмиш. Жанг бошланадиган вақт бўлиб қолганига қарамай, Исо ўзини ёлғондан баҳузур кўрсатар, унинг учун ҳаммаси ҳам барибирдек туюлар экан. У бир маҳал душманларига: аввал сизлардан бўлсин, дебди. Улар ҳаммаси бараварига ишга киришиб кетишибди: тўрт юз элликталови тўпланиб олишиб, подшоларига ишонган ҳолда зўр бериб дуо ўқишар экан. Улар бир, икки, уч соат, ҳатто пешингача дуо ўқишса ҳам ҳеч қандай нафи бўлмабди. Улар нима қиласини билишмай, йиғнилган халойиқдан роса уялишибди. Уялмай ҳам бўладими? Ҳақиқий инсон бундай пайтлари ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса ҳам лом-мим демайди. Турған гап, ҳеч нима деёлмайди, албатта. Исо нима қилибди денг? У Ваал пайғамбарларни уялтириб уларни масхара қилиб, «Қаттиқроқ бақираверинглар, худоингиз ё ухлаб ётибди, ёки бўлмаса сайрга чиқиб кетгандир. Қаттиқроқ бақириш керак!» дер, яна қандайдир сўзлар айтар экан, ҳозир аниқ эслолмайман. Шуни билингки, мен Исонинг ёнини олаётганим йўқ, унинг ҳам ўзига яраша нуқсонлари бўлган.

Хўш, шундай қилиб, Ваал пайғамбарлар пешиндан кейин ҳам шундай қилиб, қисқаси, қўлларидан келганча дуо ўқишибди, аммо осмондан биронта учқун ҳам тушмабди. Ахири кунботарга яқин чарчаб-ҳоригач, майдонни ташлаб кетиб қолишибди.

Исо нима қилибди денг? У ўртага чиқиб, ўзининг дўстларидан бирига: «Қурбонлик устидан тўрт бочка сув қўйинглар!»— дебди. Ҳамма ҳайрон бўлибди — ахир, ҳалигилар қурбонлар учун қуп-қуруқ, бунинг устига оҳак билан өқланган ҳолда дуо ўқишиган экан. Сувни қўйишибди. У яна: «Тағин тўрт бочка сув қўйинглар!»— дебди шун-

дан кейин. Яна ўн икки бочка сув-а, тушуняпсизми — роппа-роса ўн икки бочка-я. Қурбонлик сув ичида қолиб, идиш четларидан сув тошиб, иккита қирқ чөлаклик бочка — тавротда «сата» деб атлади — жойлашадиган ўрани ҳам түлдирибди; менимча, «сата» дегани тахминан қирқ чөлаклик бочка бўлса керак. Ана шундан кейин, албатта, одамлар кийиниб, тарқала бошлишибди, улар бу одам жинни-пинни бўлиб қолибди, деб ўйлаган бўлсалар керак. Бу одамнинг Исо эканини билишмаган экан-да. Шунда Исо тиз чўкканча дуо ўқий бошлабди: ўқиб, сайрайверибди, сайрайверибди.

Узоқ мамлакатлардаги мажусийлар ҳам қолмабди, қардош черковлар ҳам қолмабди, давлат ва умуман, мамлакат, давлатни бошқарувчилар ҳам қолмабди, қисқаси, одамлар чарчаб, ҳар бир одам ўз хаёлига гарқ бўлмагунча одатдаги ибодатлар каби вайсайверибди; ана шунда — ҳеч ким унга эътибор қилмай қўйганда — Исо ёнидан аста гугурт чиқарибди-да, товонинг суркаб ёқиб ташлаган экан, «повв» этиб ҳамма ёқ алангалашиб ўт олиб кетибди! Ўи икки бочка сув ёнибдими, дейсизми? Жаноб, керосин! Билдингизми, керосин!

— Керосин, дейсизми, капитан?

— Ҳа жаноблари: мамлакатда керосин истаганча топилар экан! Исо эса буни билар экан. Тавротни ўқнинг, жаноблари! Қийин жойларидан қўрқманг. Яхшилаб мияни ишлатиб ўқилса, унинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ, гап нимадалигини тушуниб олиш мумкин. Тавротда ёзилганлар ҳаммаси ҳақиқат. Фақат ўқишдан олдин ибодат қилмоқ, уларнинг қилган ишларини билиб олмоқ учун бошни ишлатмоқ даркор.



ХРИСТИАНЛИК ТАЪЛИМИ

166

Үтган йили ёз иштаҳам аввалгидек яхшиланғач, тоғдаги санаторийдан Венага қайтиб кела-етиб қоронгилиқда қоқилиб, тошдан қаттиқ йиқилиб тушиб, оёқ-құлларим, борингки, ҳамма жойим шол бүлди. Бахтимга, эшак қидириб юрган дәхқонлар мени топиб яқын орадаги бир кулбага опкелишди. Бу—қишлоқдаги пастқам, похол томли каттагина кулбалардан бири эди. Бутун оила болохона уйларда туришар, томлар тагида мұъжазгина болохона айвончалар күзга ташланар, айвончалар эса эшикдаги чиройли гуллару мұщуклар билан янада жозибали туюлар эди; бириңи қаватда эса кенг, ёруғ меҳмонхона, унинг ёнида эса түсік билан ажратылған молхона, ташқарида—дераза рўпарасида эса хонадоннинг қувончи ва бойлиги бўлган гўнг тепа талтайиб ётарди. Сиз бунинг типик немисча эканини балки сезгандирсиз; шу жумла ўша тилнинг механикаси ва руҳини яхши эгаллаб олаётганимга далил бўла олади: эндиликда мен бир жумлани билиб олиб, кечгача оғиздан қўймай юраверман.

Қишлоқда, мен турган кулбадан бир чақирим-ча нарида, бир ўтарчи бор экан, аммо хиуррг йўқ

экан. Маълум бўлишича, аҳволим танг бўладиган кўринар эди, чунки мен хиургбоб фалокатга учрагандим. Шу пайт ёз бўйи қишлоқда Христианик илмини тарғиб қилиб юрувчи, ҳар қандай касални даволовчи қандайдир бир бостонлик Леди хоним борлиги эсларига тушиб қолди. Уни айтиб келиш учун одам юборишган эди, тун қоронфисида кўчага чиққиси келмабди, лекин: бориб айтиб қўйинг, ҳеч бир қўрқадиган, шошадиган жойи йўқ, ҳозироқ «корқаворатдан даволайман», ўзим эса эрталаб бораман, мен боргунимча у киши ташвишланмай, бемалол ётаверсинлар, энг муҳими эса ҳеч нарса бўлгани йўқ, деб билсинлар, дебди. Мен бунда бирор англашилмовчилик бўлса керак деб ўйладим.

— Баландлиги етмиш беш фут келадиган қоядан йиқилиб тушганимни айтдингизми хонимга?

— Айтдим.

— Жар остидаги тош устига тушиб, коптокдек қапчиб кетганимни ҳам айтдингизми?

— Ҳа.

— Ундан яна бошқа тошга урилиб, учиб кетганимни ҳам айтдингизми?

— Ҳа, айтдим.

— Учинчи тошга урилиб, яна учиб кетганимни ҳам гапирдингизми?

— Ҳа, гапирдим.

— Ҳамма тошларни майдалаворганимни-чи?

— Ҳа, униям.

— Энди нима гаплиги равшан бўлди: у хоним фақат тошларни ўйлаб қолган бўлса керак. Нега энди ўзимнинг ҳам дабдала бўлиб кетганимни айтмадингиз?

— Айтганларингизнинг ҳаммасини оқизмайтомузмай гапирдим: сочингиздан то товонингизга қадар майда-майда бўлиб кетган суюклар қи-

зиқ бир занжирга, бўлак-бўлак бўлиб бутун баданингиздан туртиб чиқиб турган сұякларингиз шляпа осадиган қозиққа ўхшаб қолганингача айтдим.

— Шу гаплардан сўнг ҳам у хоним: ҳеч нарса бўлгани йўқ, деб ўйлайверсинлар, дедиларми?

— Ҳа, шундай дедилар.

— Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим. Назаримда, у хоним, касалимга яхши ўйлаброқ диагноз қўймаганга ўхшайдилар. У аёлнинг ўзлари қандай экан? Фақат соф назарий мушоҳадалардан нарига ўтмайдиган киши кўринадими ёки ўзлари бирор марта жарга қулаб кўрган ва мавҳум фанга ёрдам қилиш учун ўз тажрибаларидан далиллар келтиришга уринувчи киши кўринадими?

— Bitte?¹

— Stubenmädchen² нинг бу жумлани тушуниши амри маҳол эди: тушунмаганини бўйнига ҳам олди. Шундан сўнг гапни давом эттиришнинг ҳожати қолмади. Қейин мен бирор егулик овқат, сигара ҳамда ичиш учун иссиқроқ бир нарса ва оёқларимни солиб ётиш учун сават сўрадим, лекин ҳаммасиниям рад этишди.

— Нега шундай?

— У киши сизга ҳеч нарса даркор эмас, дедилар.

— Очимдан ўлдим-ку, чанқаб ҳам кетяпман, бир ёғи қаттиқ оғриқ азоби.

— Хоним: бу нарсалар сизга гўё шундай туюлади деган эдилар, аммо сиз ҳеч бирига парвоқилманг. Очлик, чанқоқлик ва оғриқ кабилар ўзи

¹ Нима дедингиз? (*Немисча.*)

² Чўри қиз. (*Немисча.*)

йўқ нарсалар эканини унутмаслигингизни айниқса қаттиқ тайинладилар,

— Дарҳақиқат, у киши шундай деяптиларми?

— Шундай дегандилар.

— Щу билан у хоним ўз ақлий механизмининг ишини текшириб кўрмоқчидай таъсир қолдирмадиларми?

— Bitte?

— У киши эркинлигича қолавердими ёки боғлаб қўйишидими?

— Боғлаб қўйишиди.

— Ҳай майли, хайрли кечакетишиңгиз мумкин; сиз ажойиб қизсизу, лекин ҳазиломиз, енгил суҳбатлар учун бош *teschirg'*¹ ингиз ярамайди. Яхшиси, мени ўз хаёлларим билан холи қўйинг.

II б о б

Туҳи билан ит азобини тортиб чиққан бўлсам керак. Буни ҳатто бугунги касаллик аломатларидан ҳам билса бўлар эди. Ниҳоят, тонг отиб, Христиан илми тарғиботчиси ҳам келди, мен ҳам руҳан тетиклашдим. У ўрта ёшли, ориқдан келган, сарв қомат бир жувон экан. От жағ, узун даҳан, сўлғин юзли бу аёл учинчи даражали бева бўлиб, оти Фуллер экан.

У иш бошлаб, дардимни енгиллатишга киришишини кутишга тоқатим қолмади, лекин у эса кишининг ғашини келтирадиган даражада имиллар эди. У тўғнағичларини олиб, илгаклари, тугмаларини ечиб, уст-бошларини бир-бир ечиб қўйди; қўли билан тахларини сидириб, ҳамма энгил-бошларини яхшилаб илди-да, қўлқопларини ечиб сумкасидан китоб олди, сўнгра стулни кара-

¹ Асбоб-ускуналар (*nemischa*).

вот ёнига суреб унға аста ўтириди. Шундан кейингина мен унга тилимни кўрсатдим, у такаббурлик ва ҳаддан ташқари совуққонлик билан:

— Унингизни ўз жойига киритиб қўйинг. Бизларни инсон руҳининг соқов қуллари эмас, балки ўзи қизиқтиради.

Мен унга томиримни кўрсата олмадим, чунки қўлимнинг бўғинлари синганди. Аммо у кечирим сўрамасликни ва томир ҳам руҳнинг бир тилсиз қули эканини, унинг ёрдамига эса муҳтож эмаслигини англатмоқчи бўлиб, ҳожати йўқ дегандай, бош силкиб қўйди. Шунда мен унга ўз дардим ва кайфиятимни айтсам, балки диагноз қўяр деб ўйладим, аммо бу мўлжалим ҳам ўринсиз чиқди: бу ишларнинг ҳаммаси ҳам унинг учун аҳамиятсиз бир нарса эди. Бу ҳам майли-ку, аҳволим ҳақида гапиришнинг ўзи ҳам унингча тилни ножўя сўз билан ҳақоратлаш бўларкан.

— Инсонда ҳиссиёт дейдиган нарсанинг ўзи йўқ,— деб тушунтира бошлади у,— ҳа, умуман ҳиссиёт йўқ нарса, шунинг учун йўқ нарса ҳақида бор деб гапириш қарама-қаршилик тузоғига илинмоқ демакдир.

Материя мавжуд нарса эмас: фақат руҳ мавжуд; руҳ эса оғриқни ҳис эта олмайди, фақат тасаввур эта олиши мумкин.

— Ҳар ҳолда оғриқ сезилаётган бўлса-чи...

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Нореал нарса реал нарсага хос функцияларни бажара олмайди. Оғриқ — реал нарса эмас, бинобарин, оғриқ бўлиши ҳам мумкин эмас.

У, оғриқ хаёлидан холи бўлишни кўрсатиш мақсадида қулочини кенг ёзган эди, кўйлагида осилиб турган тўғнағиҷ қўлига санчилиб қолди ва шунда «вой» деб қичқирганича суҳбатини яна оҳиста давом эттираверди.

— Ўзингизни қандай ҳис қилаётганингиз ҳақида ҳеч вақт оғиз очиб галирманг ва биронинг ҳам аҳвол суриштиришига йўл қўйманг; ҳеч қачон касалман деб айтманг; касалингиз ва тортаётган дардингиз, ёки ўлимингиз ва шунга ўхашағири мавжуд нарсалар ҳақида бошқаларнинг ҳам юзингизга галиришига йўл қўйманг.

Шу вақт Stubenmädchen мушукнинг думини босиб олган эди, у жон аччиғида миёвлаб юборди. Мен шошмай:

— Оғриқ ҳақида мушукдаги фикрнинг аҳамияти қандай? — деб сўрадим.

— Мушукда фикр нима қилсин; фикр фақат руҳ сабабли вужудга келади; паст маҳлуқотлар умрбод қарғишга учраган ва руҳдан маҳрум этилган; руҳсиз — фикр ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Демак, мушук оғриқни шунчаки ҳис этган экан-да.

— У оғриқни ҳис этиши мумкин эмас, чунки фақат руҳгина ҳис эта олади; руҳсиз тасаввур ҳам йўқ. Мушук эса тасаввур эта олмайди.

— Унда мушук реал оғриқ сезган экан-да?

— Мен сизга оғриқ деган нарсанинг ўзи йўқлигини аллақачон айтдим-ку.

— Бу жуда қизиқ ва ажойиб гап-ку. Ундаи бўлса, ҳар ҳолда, мушукка нима қилди, мен шуни билмоқчи эдим. Агар реал оғриқ йўқ бўлса, тасаввур этилувчи оғриқни тасаввур этиш хислатидан мушук маҳрум бўлса, демак, худованди карим раҳм-шафқат юзасидан мушукка ақл бовар қилмайдиган бир ҳис ато қилган бўлса керак ва ҳар гал думи босилганда бу ҳис уйғонса керак. Ана шу ҳис уйғонган он мушук билан христианни бир умумий қариндош қилиб бирлаштиrsa керак...

У зарда билан гапимни бўлди:

— Овозингизни ўчиринг! Мушук ҳам, христи-

ан ҳам ҳеч нарсани ҳис этмайди. Сизнинг бу бемаъни ва аҳмоқона хаёлингиз — худони таҳқирлашларингиз ҳам оқибатда ўзингизга зиён келтириши мумкин. Касал, оғриқ ёки ўлим каби нарсаларнинг йўқлигини оқилона, тавфиқ билан маъқулламоқ ва бўйинга олмоқ яхши.

— Мен бутун тасаввур этувчи азобларимни, заррача ҳам оғриқ сездирмаганда, реал демасдим. Лекин улардан қутулиш учун нима қилай?

— Улардан қутулишнинг ҳожати йўқ — улар ўзи йўқ нарса... Улар материя туғдирган иллюзиялардир, материянинг ўзи эса мавжуд эмас; материя дейдиган нарсанинг ўзи йўқ нарса.

— Бу гаплар ҳаммаси тўғри, тушунарликка ўхшайди-ю, лекин гапнинг асл мағзини негадир илиб ололмаяпман-да. Назаримда, ушлаб олгандай бўламан-у, у яна қўлимдан сирғалиб чиқадикетади.

— Масалан?

— Масалан, дейлик, агар материя бўлмаса, у қандай қилиб бирор-бир нарсани вужудга келтира олади?

Менга жуда раҳми келиб кетди шекилли, ҳатто илжайиб ҳам қўйди. Яъни, агар кулги дейдиган нарса ўзи бўлганда у албатта кулган бўларди.

— Дунёда булардан оддийроқ ҳеч нарса бўлмаса керак,— деди у.— Христианлик таълимининг асослари буларни тушунтириб беради. Буларнинг мағзи қўйидаги тўрт ҳикматли фикрда ўз ифодасини топган. Биринчиси: Худо ҳамма нарсадан кўра ҳақиқатдир. Иккинчиси: Худо бу эзгуликдир. Эзгулик эса руҳдан иборат. Учинчиси: ҳамма нарса Худо, руҳдан иборат, материя эса йўқ нарса. Тўртинчиси: Ҳаёт, қодир эзгулик эса ўлим, ёмонлик, гуноҳ, касалликни инкор этади. Энди ишондингизми?

Бу исбот менга мавхұмдек туюлди; бу исбот мавжуд әмаслигига қарамай, иллюзия ҳосил қи-
лувчи материяни тушуниш қийинлигини енгил-
лаштира олмайди. Мен яна иккіләніб, ундан:

— Бу гаплар наҳот... наҳотки бирор нарсаны исботлаб беролса? — деб сүрадым.

— Нега исботлай олмас экан? Уларни ҳатто тескарисига ўқылса ҳам тушунтира олаверади.

Менда бу нарсага қандайдир ишонч пайдо бўлди ва мен уларни тескарисига ўқиб беришни илтимос қилдим.

— Жуда яхши. Касаллик, гуноҳ, ёмонлик, ўлим, эзгуликни инкор этади. Қодир худо, ҳаёт-
дан бўлак материя йўқ, ҳаммаси руҳ, Худо руҳ, эзгуликдан иборат. Эзгулик ҳақиқий Худодир,
ҳамма нарса Худодан. Мана... энди тушуняп-
сизми?

— Энди... энди, балки, аввалгига қараганда тушунарлироқ шекилли, лекин шунда ҳам...

— Хўш?

— Буларни яна бошқачароқ қилиб, бошқача усуlda ўқиб бўлмайдими?

— Хоҳлаганингизча ўқийвериш мумкин. Маъ-
носи бирдек чиқаверади. Сўзларнинг ўрнини
хоҳлаганингизча алмаштираверинг, барибир,
уларни исталган тартибда қўйғандаги каби аввал-
ги маъносини англатаверади. Сабаби камолётдир.
Ҳамма сўзларнинг ўрнини алмаштиришингиз
мумкин — ҳеч фарқи бўлмайди: барибир аввал-
гидек маъно чиқаверади. Бу буюк ақл заковоти-
дир. Фалсафий *tour de force*¹ каби тенги йўқ,
ўта оддий, аниқ, сирли ва маҳфийдир.

— Шунаقا денг!

Мен хижолат бўла бошладим: чунки бирор

¹ Фокус (французча).

сўзни ўйлаб бўлмасимдан оғзимдан чиқиб кетганини билмай қолардим.

— Нима?

— ...Жуда ажойиб таркиб... яъни чуқур фикрлар таркиби... олижаноб... ҳайрон қо...

— Мутлақо, тўғри. Уларни охиридан ўқийсизми, бошиданми ёки ёниданми, ёки бурчак ҳосил қилиб ўқийсизми, барибир, бу тўрт фикр мазмун жиҳатидан мос келаверади ва бирдек далилга эгадир.

— Ҳа-ҳа... далилга эга. Мана энди масалага яқинлашиб қолдик. Тўғри, улар мазмунан мос келаверади; улар у... ёки бу хилда мос келаверади, мос келаверади; буни мен тушундим. Лекин улар нимани исботлайди... шахсан нимани исботлайди, демоқчиман?

— Бу мутлақо равшан-ку! Улар қўйидагиларни исботлайди: биринчидан: Худо—ибтидолар ибтидоси, Ҳаёт, Ҳақиқат, Муҳаббат, Рӯҳ, Қалб, Ақл. Тушуняпсизми?

— Ҳм... шунақага ўхшайди. Давом этаверинг.

— Иккинчиси: Инсон — универсал, мутлақ ғоя, ўлмас, илоҳий индивидуум. Тушунарлими?

— Тушунарликка ўхшайди. Кейин?

— Учинчиси: Ғоя — қалбдаги образ; бевосита сезиш обьекти. Христианлик таълимининг илоҳий сири икки оғиз сўз билан ифодаланганда ана шулардан иборат. Қани, буларнинг бирор заиф жойини топа оласизми?

— Тополмасам керак: жуда мустаҳкам кўринади.

— Жуда соз. Лекин ҳали бу ҳаммаси эмас. Бу учала қонун Ўлмас Рӯҳнинг илмий ифодасини ташкил этади. Бундан сўнг Қалбнинг илмий ифодасини кўрамиз. Мана у. Биринчи босқичи: Гу-

ноҳкорлик. Биринчиси: жисмонийси — эҳтирос ва истак, қўркув, ярамас ирода, ифтихор, ҳасад, алдаш, нафрат, қасос, гуноҳ, касаллик, ўлим.

— Булар ҳаммаси ноаниқ категориялар, иллюзиялар, миссис Фуллер, мен ҳам буларга салпал тушунаман.

— Ҳаммаси ҳам. Иккинчи босқичи: Ёмонлик йўқолади. Биринчиси: Этик категориялар; софдиллик, садоқат, азоб, ишонч эътиқод, мулоимлик, иккиланиш. Тушунарлими?

— Кундек равshan.

— Учинчи босқич: маънавий халоскорлик. Биринчиси: Маънавий категориялар — эътиқод, донолик, қудрат, яхшилик, зеҳн, соғлиқ, муҳаббат. Кўряпсизми, ҳаммаси қандай яхши ўйланган ва мослаштирилган, ўзаро қандай алоқадор ва антропоморфиксидир¹. Кўряпсизми, Христианлик таълимига асосан Охирги, Учинчи босқичларда ўлим руҳи йўқолади.

— Нега аввалроқ эмас?

— Йўқ, ҳеч бир аввалроқ бўлиши мумкин эмас — Учинчи босқич учун лозим бўлган тарбиялаш ва тайёрлаш охирига етказилғанидан сўнггина амалга ошади.

— Демак, Христианлик таълимини ана шундан сўнггина яхши эгаллаш, унга онгли ёндашиш, уни севиш — сизнинг гапларингизни шундай тушунсан бўладими? Бошқача айтганда, Иккинчи босқичда содир бўлувчи воқеалар процессида бунга эришиш мумкин эмас, чунки ҳали унда руҳ қолдиғи бор, демак, ақл ҳам, шу сабабдан... Сиз Учинчи босқич бузилиб, бу қолдиқлар тарқатил-

¹ Одамларга хэс хусусиятларнинг табиатдаги жонсиз нарсаларда ва ҳодисаларда ҳам бўлишинга ишонишдан иборат ибтидоий тасаввур.

гач құлға киритиладиган натижалар ҳақида гапирмоқчи әдінгиз, аммо мен сүзингизни бўлиб қўйдим. Бу жуда ҳам қизиқ экан; қани, марҳамат қилиб, давом этинг.

— Шундай қилиб, ҳали айтганим каби, бу Учинчи босқичда қалб ғойиб бўлади. Гавда ҳислари орқали қабул қилган ҳамма нарсаларни таълим ағдар-тўнтар қилиб ташлагани сабабли, биз ўз инжилимизга хос кароматларни чин юракдан қабул қиласиз: «биринчилари сўнгги, сўнггилар биринчи» бўлиб қолади ва натижада Худо ва унинг ғояси илоҳиётга қараганда биз учун энг кучли нарсага айланади ва зарурат туфайли шундай бўлиши лозим.

— Бу жуда ажойиб. Учинчи босқичнинг ўзингиз айтган қудрати ва вазифаларини тасдиқлаш ва асослаш учун сўзларни жуда усталик ва файрат билан танлаб жойлаштиредингиз. Иккинчи босқич, кўринишича, ақлни вақтингчалик йўқотишга ундейди, Учинчисигина уни доимий йўқотиш хусусиятига эгадир. Иккинчи босқич номи билан тузилган фраза замирида яна бошқа маънога ўхшаш нарсани, тўғрироғи, ёлғондакам маънога ўхшаш нарсани ҳам яшириши мумкин, у ҳолда Учинчи босқичнинг сирли қудратигина бу камчиликни йўқотиши мумкин. Булардан ташқари, Христианлик таълимига ҳудди шу Учинчи босқич яна бир ажойиб хусусият бағишлийди, албатта — мен унинг нозик василлиқ, бой ва ритмик ҳамда эркин тилини кўзда тутяпман. Бунга алоҳида сабаб бўлса керак, албатта.

— О, албатта! Худо — Руҳ, Руҳ — худо, буйрак, жигар, идрок, ақл.

— Энди ҳаммаси тушунарли.

— Христианлик таълимида тушунилмайдиган нарса йўқ; чунки Худо ягона, Вақт ягона, Инди-

видиум ягона ва у ўзига ўхшаш бир хил, яъни ма-салан, алоҳида одам, алоҳида от каби кўпнинг бири бўлиши мумкин: худди шу билан бирга Худо — ягона, аммо у кўпнинг бири эмас, биргина — якка-ю ягона ва тенгсиз.

— Булар олижаноб фикрлар. Мен яна ҳам кўпроқ билиш истаги билан ёнмоқдаман. Менга шуни айтинг-чи, доимий ҳаракатдаги нарсанинг тасодифий инкорга руҳий муносабати ҳақидаги масалани Христианлик таълими қандай тушунтиради?

— Руҳ ва тананинг муносабатига ўхшаб тую-лувчи муносабатнинг аксини кўрсатади. Бу худди инсоннинг қуёш системасини идрок этишини астрономия аксинча кўрсатишига ўхшаб кетади ва у танани Руҳга бўйсундиради.

Қуёшнинг чиқиши ва ботишини биз ўз кўзи-миз билан кўриб турамиз, ахир, бу ҳаракатсиз қуёш атрофида ер қандай айланиши мумкин, бунга ишониш қийин, албатта; худди шунга ўх-шаб тана ҳам, бизнинг чекланган идрокимизга аксинча туюлишига қарамай, ҳоким Руҳнинг ито-атли қулидир. Агар Руҳ танада ёки Руҳ материяда мавжуд бўлса ва инсон материянинг бир қисми бўлган тақдирда буларни биз ҳеч бир тушуна олмаймиз. Руҳ ўзгармас ва агадий Худодан ибо-рат, инсон эса қалб билан бирга яшайди ва уни акс эттиради, чунки Ибтидонинг Ибтидоси Бутун Борлиқнинг ўзидир. Бутун борлиқ эса қалбни чирмаб олган, руҳ эса Қалбни, муҳаббатни, идрокни, суякларни, жигарни, ўзига ўхшашлардан бирини, якка ва ягонани қамраб олади.

— Бу Христианлик таълими қаердан келиб чиқкан? У Худонинг марҳаматими ёки тасодифан ўз-ўзича яратилганми?

— Бир жиҳатдан у Худонинг марҳамати, яъни

унинг құдрати Худодандир, лекин бу құдратнинг бир қисмини яратиш ва унинг белгиланиши биргина америкалик Ледига тегишлиди.

— Шундай денг? Бу қачон содир бўлган?

— Бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йили. Бу — оғриқ, дард ва ўлим умрбод ер юзидан йўқ бўлган унутилмас бир кундир,— яъни бу сўзлар билан белгиланадиган иллюзиялар ер юзидан йўқолган. Буларнинг ўзи эса аслида ҳеч вақт бўлган эмас; шунинг учун ҳам уларнинг мавжуд эмаслиги аён бўлиши биланоқ улар йўқ қилинган. Бу кашфиёт тарихи ва моҳияти мана шу китобчада баён этилган ва...

— Китобни ўша Леди ёзганми?

— Ҳа, китобни бошидан охиригача ўша Леди хоним ёзган. Китобнинг номи «Илм ва соғлиқ ҳақида Таврот шарҳлари», чунки унда Леди хоним тавротни тушунтириб беради; авваллари уни ҳеч ким тушунмасди. Ҳатто ўн иккى апостол ҳам тушунмасди. Китобнинг бошини ўзим ўқиб бераман.

Аммо, маълум бўлишича, кўзойнаги эсидан чиқиб қолган экан.

— Майли, аҳамияти йўқ,— деди у.— Ҳамма сўзлари эсимда,— ахир биз — Христианлик таълими тарғиботчилари — ҳаммамиз уни ёд биламиз, бизнинг ишимизда бу зарур нарса. Акс ҳолда хатоларга йўл қўйган ва ёмонлик келтирган бўлар эдик. Шундай қилиб, мана тингланг: «Мен минг саккиз юз олтмиш олтинчи йили метафизик шифолаш илмини кашф этдим ва унга «Христианлик таълими» деб ном бердим. Унинг кейинги гаплари ҳам жуда ажойиб гаплар деб ҳисоблайман. «Христианлик таълими» туфайли дин ва медицина янги илоҳий табиат ва моҳият касб этди, ишонч ва тушунча қаноат пайдо қилди, фикрлар

эса бевосита худо билан муносабатда бўла бошлади — булар чиндан ҳам унинг сўзлариdir.

— Жуда нозик гаплар. Бундан ташқари, илгаридек, медицинани тобут ясовчи билан эмас, худони медицина билан қовуштириш жуда гўзал ғоя-да; чунки худо ва медицина, аслини олганда, руҳий ва жисмоний соғлиғимизнинг келажак асослари сифатида бири-бирига тегишилдири. Сизлар одатдаги касалларга, масалан, қандай дорилар бе-расиз...

— Бизлар ҳеч вақт, ҳеч бир шароитда дори бермаймиз. Биз...

— Миссис Фуллер, ахир, китобда айтилишича...

— Мени у гаплар сира қизиқтирмайди ва менинг бу тўғрида гапиргим ҳам келмайди.

— Бирор гапим оғир ботган бўлса кечирим сўрайман, лекин гапларингизда қарама-қаршилик борга ўхшайди.

— Христианлик таълимида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Бу фан мутлақ бўлгани сабабли уларнинг бўлиши мумкин эмас. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, сабаби унинг асоси Ибтидонинг Ибтидоси, Умумий, шу билан бирга, Қалб, суюклар — кўпнинг бири ва ёлғиз. Бу руҳланган, материал чиқиндиларидан тозалангандан математикадир.

— Булар тушунарли, лекин...

— У Аподиктик принципнинг бузилмас асосига суюнади.

Бу сўз миямга таъсир қиласман деб бош суюгимга урилди-да, мажруҳланиб қолди ва мени гаранг қилиб қўйди; аммо мен бу гапларнинг ишга нима алоқаси бор деб сўрамасимданоқ у тушунтира бошлади.

— Аподиктик принцип деган сўз бу юракдан Соғайтишнинг Йлмий принципи, доимо қиз ва ўғил болалар маҳкум бўлувчи ёмонликлардан озод этувчи олий қудратдир.

— Лекин бутун ёмонликлардан, бузғунчиликлардан эмасдир?

— Ҳаммасидан ҳам истисносиз озод этади; бузғунчилик деган нарсанинг ўзи йўқ. У нореал ва мавжуд нарса эмас.

— Аммо кўзойнаксиз кучсиз нигоҳингиз уларни кўришга имкон бермайди.

— Менинг нигоҳим заифланиши мумкин эмас; ҳеч бир нарса кучсизланмайди; Руҳ—ҳоким, шу сабабли у тушқунликка йўл қўймайди.

У қандайдир Учинчи босқич башорати ҳақида гапирав эди ва уни рад этиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқдек кўринарди. Мен шундан кейин мавзуни ўзгартириб, яна Христианлик таълимининг яратувчиси ҳақида сўрай бошладим.

— У ҳам, Клондайком каби фавқулоддами ёки Американинг очилиши каби анча олдиндан тайёрланиб ва ўрганиб бориш асосида яратилганми?

— Сизнинг муқоясаларингиз динни ҳақорат қилишдир — бу гаплар ўзгармас нарсаларга тааллуқлидир... ҳозир бу ганларни қўя турайлик. Мен бу саволга Биринчи яратувчининг ўз сўзи билан жавоб берайин: «Шафқатли худонинг ўзи менга ҳақиқатни — қалбни Йлмий Даволашнинг абсолют принципини ато қилди».

— Шунаقا денг, қанча бўлди? Қанча йил бўлди?

— Минг саккиз юз йил.

— Худо — Руҳ, Руҳ — Худо, Худо — эзгулик, ҳақиқат, суюклар, буйрак, қўпнинг бири, якка ва ягона — бу жуда ҳам ажойиб нарса!

— Ҳайрон қолишиңгизнинг боиси бор, жаноб. Лекин, ҳаммаси ҳақиқат. «Апокалипсис»нинг¹ ўн иккىнчи бобида бизнинг бу ҳурматли ва муқаддас Асосчимиз бўлмиш америкалик Леди хонйим ва унинг пайдо бўлиши ҳақида донишмандлик сўзлари айтилган; муқаддас Иоанна унинг исми-шарифини кўрсатгани билан очиқ-ойдин гапирмаган.

— Ҳаддан ташқари қизиқ гаплар!

— Ҳозир унинг «Таврот тафсирлари»даги ўз сўзларини келтираман: «Апокалипсис»нинг ўн иккинчи бобида ўн тўққизинчи асримизга оид аниқ гап бор. Қўряпсизми? Эсингиздан чиқарманг.

— Бу нима дегани ўзи?

— Қулоқ солсангиз, ёдингизга тушади. Мен яна унинг таъсирчан сўзларини келтираман: «Олтинчи Муҳри олиш ҳақидаги қисмда айтилишича, муқаддас Иоаннани яратиш Одам Атодан олти юз йил кейин содир бўлган; бизнинг асримизга оид бир аниқлик мавжуд» Мана у:

«XII боб, I.— Осмонда ҳам катта бир воқеа содир бўлди — қуёш қуршаб олган бир аёл пайдо бўлди; аёлнинг оёғи тагида ой, бошида эса ўн икки юлдузли тож». Бу аёл бизнинг Доҳиймиз, Онамиз, Христианлик таълимини Биринчи яратувчисидир, бундан ҳам аниқроқ, ишончлироқ яна нима бўлар экан! Мана бунга ҳам эътибор беринг:

«XII боб, 6.— Хотини дашти-биёбонга — худо томонидан ўзи учун яратилган жойга қочиб кетди».

— Бу — Бостон. Мен у шаҳарни биламан, жуда катта шаҳар! Мен жуда қойил қолганман!

¹ Апокалипсис — христиан диний китобларидан бири.

Авваллари мен бундай жойларни мутлақо билмасдим; марҳамат, ўз... ўз... далилларингизни айтаверинг.

— Жуда соз. Давомига қулоқ солинг: «Шундан кейин мен осмондан тушиб келаётган, булутлар ўраб олган кучли фариштани кўрдим; унинг боши узра камалак турар, юзи қуёшга, оёқлари олов устунларга ўхшар, қўлида эса очиқ китоб бор эди».

Очиқ китоб... Шундай бир... Бундан соддароқ ҳам китоб бўладими? Аммо бу китобнинг аҳамияти шундаям каттаки! Сиз бунинг қандай китоблигини билгандирсиз-а?

— Йўғ-э...

— Қўлимдаги — Христианлик таълими-да!

— Севги, жигар, ёргулк, суяклар, ишонч, буйрак, кўпнинг бири, якка ва ёлғиз, мен ҳайрон бўлганимдан ўзимга кела олмаяпман!

— Асосчимизнинг чиройли сўзларига диққат қилинг: «Ана шундан сўнг осмондан: «Кел, бу очиқ китобни ол; олиб буни егин; у қорнингни ачитгани билан, оғзингни асал каби ширин қилади» деган овоз эшитилди. Муқаддас сўзларни тиз чўкиб тингла. Таълимга кириш. Уни бошдан охиригача ўқиб чиқ. Уни ўрган, мулоҳаза юрит. Уни татиб кўргин, у албатта ширин туюлади, даволайди. ва қачонки уни яхшилаб ҳазм қилгач, аччини сезасан, аммо унда ҳақиқатга қарши фарёд қилиб юрма». Энди бизнинг тенги йўқ Диний Муқаддас таълимимизнинг тарихини билиб олдингизми; у фақат бизнинг ватанда яратилган, асоси эса худонинг инояти эканини ҳам билиб олдингизми? Энди эса бу китобни сизга қолдириб кетаман, лекин сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг — мен уйқуга кетгунимга қадар сизни сиртдан даволай бераман.

Сиртқи ва ички даволашларнинг сирли таъсири остида танамдан туртиб чиқиб ётган сүякларим жойига тушиб, кўринмай қолди. Бу хайрли ишга жадал киришилиб, тезда амалга оширилмоқда эди. Гавдам аслига қайтиш процессида оғриқ билинмасин учун гоҳ чўзилар, гоҳ эгилар эди ва ҳар бир-икки минутда ичимда секин қирсиллаган овозларни эшитиб турар эдим ва шу дамларда синган икки бўлак суягим бир-бири билан жуда яхши туташаётганини ҳам яхши пайқар эдим. Кейинги уч соат ичида шақир-шуқур, ғарч-ғурч ва тақиртуқур этган овозлар сира тўхтамади; сўнг ҳаммаси тинчиб қолди — сингап сүякларим ҳаммаси битиб кетди. Фақат бўғинларимгина қолди. Улар еттитадан ошмас эди: бўкса, елка, тизза ва бўйинларимдан иборат эди, холос; булар ҳам тез орада худди шиша пробкаси очилгандаги сингари пақиллаб кетма-кет жой-жойига тушди-да, скелетим яп-япги бўлиб қолгач, дик этиб ўрнимдан туриб, табибга жўнадим.

Тумов ва қорнимдаги оғриқ туфайли табибга боришга мажбур бўлдим: мен энди буларни танимаган аёлга ишониб топширмоқчи эмасдим ва арзимас касални ҳам даволай олмаганидан хафа бўлиб кетгандим. Диққатимнинг ошишига эса кўпгина асосларим ҳам бор эди. Ахир, тумов ва қорним оғригини тузатиш ҳам синган сүякларим каби бошда унга ишониб топширилган эди-да. У бўлса оғриқни заррача ҳам енгиллаштиrmади, аксинча, ошқозоним борган сари қаттиқроқ, чидаб бўлмас даражада оғрий берди. Энди оғришининг сабаби, балки, анча соатгача овқат ёмаганим ва сув ичмаганимдан бўлса керак.

Ўтарчи ҳам келди, жуда яхши, ғайратли, ка-

сални синчиклаб кўрувчи мутахассис экан. Ундан бадбўй бир ҳид анқиб турар эди: очиғини айтгандা, ундан отхона ҳиди келиб турар эди. Мен у билан шу заҳотиёқ сиртдан даволаш ҳақида гаплашиб кўрмоқчи бўлдим, аммо бу ишларнинг унга алоқаси йўқ экан, шу важдан сипогарчиликни қўлдан бой бермаслик учун уни мажбур қилмадим. У тишлиларимни қараб, бўғинларимни силаб кўрдиди, ёшим ва умумий аҳволим ошиғич чоралар кўришга имкон беришини айтди. Шупинг учун ҳам ошқозондаги оғриқни яшчур¹ касалига, тумовни эса вертячка² касалига айлантириш учун доридармон беришини айтди. Шундагина касалим ўз-ўзидан енгиллашиб, даволаниши ҳам осон бўлишини билдириди. У ёғоч пақирда кепакдан чалоп қилди-да, ҳар икки соатда скипидар ва арава мойидан тайёрланган микстура дорисидан кейин тўла бир чўмичда ичиб туришни буюрди. Шундай қилсам оғриқларим йигирма тўрт соат ичида ўқолар ёки менда бошқа туйғулар ҳосил қилиб оғриқларни унтишга мажбур қилар эмиш. Дорини биринчи марта ўзи ичирди-да, хайрлашиб кетиш олдидан: хоҳлаган нарсани хоҳлаганча еб-ичаверинг, деди. Аммо энди қорним ҳам очмас, овқат егим ҳам келмас эди.

Мен миссис Фуллер қолдирган Христианлик таълими ҳақидаги китобни олиб, ярмигача ўқиб чиқдим. Кейин тўла бир чўмич микстурадан ичиб, китобни охиригача ўқидим. Шундан кейин аҳволим жуда қизиқ бўлди ва кутилмаган янгиликлар билан тўлиб-тошди. Ошқозон оғриғи яшчур

¹ Қўйларнинг бош миясида пайдо бўлувчи пуфаксимон касаллик.

² Қорамоллар, чўчқалар ва қўйларда учрайдиган юқумли касаллик.

касалига, тумов эса вертячка касалига ўтиш процесси тугагунча ичимда атала, микстура ва адабиётлар ўртасида биринчилик учун ғудурлаган, шувиллаган, титраган ва қулқуллаган овозлар билан тинимсиз кураш олиб борди. Шуни ҳам айтиш керакки, баъзан улардан қайси бири ғолиб келишини билолмасдим ва иккаласи алоҳида алоҳида турганда адабиётни улардан фарқлай олардим. Сабаби кепак чалоп билан электик¹ микстура тўлқинли Аподиктик принципга икки томчи сувдек ўхшар эди ва уларни ёруғда ҳам ҳеч ким бир-биридан ажратолмасди. Ниҳоят, иш маррага етгач, бутун эволюциялар тўла муваффақиятли амалга ошди, аммо, назаримда, бу натижага озроқ материал сарфлаш билан ҳам эришиш мумкин эди. Чалоп, кўринишича, ошқозон оғрифини яшчур касалига айлантириш учун зарур эди. Аммо вертячка касалини эса адабиётнинг ўзидан-гина олишнинг ҳеч бир қийин жойи йўқлигига имоним комил эди ва шу йўсин билан ҳосил қилинган вертячка касали табибининг сунъий йўл билан яратадиган касаллари ичида энг аъло сифатлisis ва тургуни ҳисобланарди.

Чунки инсон тасаввuri яратган бутун ғаройиб, аҳмоқона, мужмал ва мўъмал китоблар орасида бу Христианлик таълими ҳақидаги китоб ҳаммасидан ҳам устун туради. Бу китоб ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиб, мағрур бир руҳда ёзилганди. Ундаги таъсирчанлик, жўшқинлик ва ҳаддан ташқари жиддийлик баъзан жумлаларидан маъни соясини ҳам тутолмаганингизга қарамай, фасоҳатни вужудга келтиради. Бу китобни тушунарли деб айтивчи кишилар ҳам мавжуддир: мен бундай кишилар билан суҳбатлашганман, шунинг учун ҳам бор

¹ Турли аралашмалардан иборат нарса.

деяпман, аммо шу одамларнинг ўзи доим: оғриқ, касал ва ўлим табиатда мавжуд эмас ҳамда дунёда умуман реал нарсаларнинг ўзи ҳам йўқ — Руҳдан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмас, деб айтишади. Бу нарса улар фикрининг қимматини бир қадар туширади. Бундай одамлар Христианлик таълими ҳақида худди миссис Фуллер каби фикр юритадилар: улар ўз тили билан эмас, китобий тил билан фикр юритадилар; улар бошингизни бемаъни гаплар билан ғовлатиб юборадилар ва сиз бу гапларни у кишининг ўзи ўйлаб топмагани, аксинча, нақл эканини кейинроқ билиб қоласиз; маълум бўлишича, бундай одамлар китобни ёд олиб, унга худди муқаддас нарса сифатида, шуни ҳам айтаки, худди иккинчи таврот сифатида сажда қиладилар. Бу китоб Учинчи босқич таъсирида ақлдан озилган кезларда ёзилгани аниқ ва бу китобдан ана шу босқични ўтовчи одамлардан бўлак ҳеч ким тариқча ҳам маъно тополмаса керак. Бу китобни ўқиганингизда сиз зўр, маънодор пайғамбарона гапларни худди бошқа бир тилда тинглаётгандек бўласиз-да, ундаги гапларни эмас, балки ундаги бошқа бир руҳни англайсиз. Ёки: сиз қандайдир кучли духовой музика асбобидан чиқаётган овозни байни куй деб эшитиб турасиз, оркестрда чалмаётган киши эса ҳарбий карнайдан чиқувчи товушнигина эшитади — бу юракни шунчаки тўлқинлантиради, аммо ҳеч қандай маъно бермайди.

Вазминлик, мағрурлик билан суғорилган бу китоб яратилиши жиҳатдан худди диний китобларга ўхшаб кетса-да, ҳаётий воқеа-ҳодисалар билан ҳеч бир алоқаси йўқ. Оддий инсонга ҳар жиҳатдан бундай мустаҳкам ишонч, ўзини жуда юқори ҳис этиш; ўзини-ўзи беандиша севиши, ҳирс қўйиши ҳеч бир хос нарса эмас. Бу китобда «далиллар»

деб аталса бўладиган ҳеч қандай кескин сўзлар учрамайди, баъзан эса ҳеч нарсага суянемаган, ҳеч нарсага асосланмаган хуносалар чиқарилади ва мен уни, буни исботладим дейди. Тавротдаги ҳали шарҳланмаган қандайдир бирор-бир қисмининг маъносини англаш ва тушуниш учун поп ва уларнинг барча черков руҳонийлари бунинг учун қанча-қанча вақт, меҳнат ва бош қотириши лозим бўлади. Аммо автор бу гаплардан юқори тургани сабабли бутун тавротдаги гаплар ҳаракат ҳолатида деб ҳисоблайди; оз вақт сарфлаш ва ақл юритмасдан ҳам уни ипидан-игнасиғача шарҳлаб бераверади, моҳиятини ўзгартиради ва тузатади; кейин уларни мўътабар маъноларда тушунтириб беради. «Ҳа, ёруғлик бўлади! Ва ёруғлик бўлди ҳам!» каби формулалар билан найрангбозлик қиласаверади. Дунёнинг яратилишидан бери зарра, сув ва оғирликлар устидан ана шундай вазмин, мағрур, беҳаё бир овоз янграган экан¹.

¹ Январь, 1903. Янги ва одатдан ташқари терминларга эга бўлган ҳар қандай китоб ҳам биринчи ўқишда ўқувчини гангитиб жаҳлини чиқарди. Аммо мана энди шу ўтган икки ой ичida «Фан ва саломатлик» номли маҳсус лугатни ҳафсала билан ўрганиб чиққач, бу китоб мағзини тушуниб олиш қийин бўлмаса керак.—М. Г.

P. S. Юқорида кўрасатилган китобда англашилган донишмандлик менга қўл келди ва бир сафар мени кўнгилсанз бир ҳодисадан халос этиб қолди. Бундан бир ой илгари бир университетдан доктор Эдвард Энтони Шпитцкнинг «Турли ирқларда мия анатомияси» помли илмий ишини олдим. Ўйлашимча, университет бу иш ҳақида менинг фикримни билмоқчи бўлган; қилған ҳурматэътиборларидан мен жуда курсанд бўлдим ва яқин орада ўз фикримни юбораман деб жавоб ёздим. Ўша куни кечқуруноқ Христианлик таълим мининг чангальзорларида машиқат чекиши йиғиштирдим-да, ишга киришдим. Такризнинг биринчи ҳаяжонли қисмини ёзиб бўлиб, қолган қисмини эртасига тугатмоқчи бўлдим, лекин шундан ке-

Рұхнинг танага кучли таъсир этиши мүмкінлігіга ҳеч бир инсон иккіләнмаса керак; мен ҳам бунга қаттық ишонаман. Қадимлардан бошлаб жодугарлар, тушлар таъбирчиси, фолбин, дуохон,

йин, бир ҳафтагача қўлим тегмай бошқа ишлар билан овора бўлиб кетдим. Орадан бир ой ўтиб, шу бугунгина инсон мияси ҳақидаги бобга яна қайтсан. Шу вақт ичидан ғэлан нарсаларимни ўқиб, ўзимдан-ўзим уялдим. Бу ишни тегишли кайфият — сокин ва завқ-шавққа тўла кайфият билан бошламаганигимга тушундим. Бу иш худди шундай кайфият талаб қиласа эди. Мисол учун қўйидаги абзацини олдим:

«Миянинг париетал ва окципитал улушлари изи (латерал сиртлари). Постцентрал комплекс. Давомли узунлиги 8,5 см келадиган излар ҳосил қилиш учун ярим шарда постцентрал ва субцентрал излар қўшилмоғи лозим. Орқа мия излари парапентрал изларининг каудал учи билан белгиланган гирус ҳосил қилиб иккига бўлинади. Парапентрал изларининг каудал учига транспариетал мия бурмалари келиб тақалади. Бирлаштирилган излардан ҳаммаси бўлиб беш тармоқ тарқалиб кетади. Вадум уларни париентралдан ажратиб туради; бошка вадум эса марказийдан ажратиб туради».

Бу абзацдан жигибийроним чиққани ва у ҳақда нақадар нафрат билан ёзганимни ҳозир ўзим кўриб, ўзимга раҳмим келиб кетди. Мен авторнинг стили ҳаддан ташқари ёмон — оғир, мантиқсиз, чўзиқ; масалалар чалкаш ва нотўғри, бу ҳол китобхонни боши берк кўчага киритиб қўяди, деб ёзган эдим. Ишлаги соддаликка сўз камбағаллиги таъсир қилганини; авғор ўз туйғуларини ифодалаш йўлини билмаслигини; агар менда кучук бўлганда бош мия анатомиясидек оддий предмет туфайли қутуриб кетар эди ва мен унга жарима тўламай қўйган бўлар эдим; бунинг устига ўзим ҳам ҳаяжонга тушиб будиларга хос сафсатадан жаҳлим чиққанлиги туфайли бир қанча аччик-чучук гапларни айтиб юбордим ва худди шундай муваффақиятлар билан «Фан ва саломатлик» ни ҳам тушунишга ҳаракат қилиш мүмкин, деб юбордим.

фирибгар, табиб, ўқимишли врач, месмерист ва гипнозчилар ўз тажрибаларида мижозларнинг тасаввуридан фойдаланиб келганлар. Ҳаммалари ҳам бу кучнинг қудрати ва мавқенини тан олганлар. Врачлар кўпгина касалларни ҳаб дори билан даволаб келганлар: тасаввурда касалликка учраган организмни даволашда докторга ишонч бўлса ҳаб дори ҳам фойда беришини улар билишган.

Докторга ишонч. Менимча, ҳамма гап ана шунда. Ҳа, худди шунақага ўхшайди ҳам. Бир вақтлари монарх касални подшо қўлини тегизиш билан ҳам даволаган. Кўпинча даволаши кишини ажаблантиради ҳам. Аммо бу ишларни унинг малайи қила оларми? Йўқ, у ўзининг малайларга хос уст-бошида буни қила олмасди. Қироллик уст-бошини кийиб олганда эса бу ишни қила оларми? Менимча, бунинг иккilanадиган жойи бўлмаса керак. Касал қиролнинг қўл уриши сабабли эмас, балки бу қўлнинг сирли таъсирига ишончи туфайли соғайишига, ўйлашимча, ҳаммамиз батамом ишонсак керак. Мозордаги муқаддас суюкларга сифиниш билан ҳам ажойиб ва ҳақиқий даволанишлар бўлиб турар эди. Агар у муқаддас суюк бошқа суюклар билан яширин алмаштириб қўйилган тақдирда ҳам касалга аввалгича таъсир қиласвериши мумкин эмасми? Мен болалик вақтимда бизнинг шаҳардан беш милча нарида турувчи фермер хоним ишонч йўли билан даволайдиган врач деган ном билан (унинг ўзи шундай ном берган эди) танилган эди. Унга боқизиш учун

Ишим нима сабабли чатоқ бўлганлигини энди билар эдим ва университетга юборадиган тақризимни юборишга халақит берган танаффусдан эса жуда хурсанд эдим. Юборган тақдиримда менинг ҳақимда нима деб ўйланган бўлардилар, деган фикр ёдимга тушса бутун вужудим музлаб кетгандек бўларди.— *М. Т.*

атрофлардан ихлосмандлар келиб турар, у эса касалнинг этига қўлини қўйиб туриб: «Ишонавер, сенга даркори ҳам шу» дер ва улар дардини унугандек бўлиб уйига қайтиб кетаверар эди. У аёл диндор ҳам эмасди, ғайри табиий шифолаш қувватига эгаман деб даъво ҳам қилмасди. Касал унга ишонганидан тузалишини тан оларди. Қаттиқ тиш оғригини ҳам бир неча бор кўз очиб юмгунча тузатганини ўз кўзим билан кўрганман — шифоланган онам эди. Австрияда бир деҳқон шу ҳунар туфайли жуда бойиб кетиб, коммерсия ишларини йўлга қўйиб юборган эди; у оддий одамларни ҳам, бойларни ҳам даволай берарди. Кейинроқ бориб, дипломсиз иш олиб боргани учун қамоққа ҳам олинган эди. Аммо у қамоқдан чиққач ишлари яна боягидек юришиб кетганди. Чунки у шубҳасиз яхши даволар, обрўйи ҳам ортаверар эди. Баварияда ҳам бир одам жуда кўп касалларни даволагач, мижозларининг кун сайин ўсиб борувчи талабини қондириш учун ҳатто театр дурадгорлиги касбини ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлган эди. У йилдан-йилга ажойиботлар яратиб охири жуда бойиб кетган эди. У даволашида дин ёки бошқа қандайдир сирли кучлар ёрдам бераётгани ҳақида лом-мим демасди, балки менда шунчаки касалларни ишонтирадиган бир нарса бўр, холос, деб ҳисобларди; ундаги мавжуд ва касалга ўтувчи қандайдир сирли куч эмас, балки ҳамма гап ана шу ишончда¹.

¹ Январь, 1903. Икки йил давомида кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган шол касалидан ана шундай «сирили» шифоланган бир аёлни яхши биламан. Уни ҳатто Нью-Йоркнинг казо-казо врачлари ҳам кўп ҳаракат қилиб тузатолмагандилар. Саёқ бир фирибгар (уни шундай деб аташар эди) унинг олдига ҳаммаси бўлиб икки кунгача эрталаб кириб уни ўрнидан турғазди-да: «Қани юр»

Сўнгги чорак аср ичидаги Америкада турли номда бир қанча шифо секталари пайдо бўлди, улар ҳаммаси ҳам касални дорисиз даволаш жиҳатидан бир қадар муваффақиятларга эришганлар. Улар: касални руҳан даволаш, ишонтириш йўли билан даволаш, ибодат қилиш билан даволаш, Психика илми билан даволаш ва Христианлик таълими билан даволаш кабилардан иборат. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўша эски қудрат — касалнинг тасаввури ёрдами билан ажойиботлар яратишлари мутлақо аниқдир. Номи турлича бўлгани билан даволаш усулида ҳеч қандай фарқи йўқ. Аммо секталар бу қуролнинг қадрига етмайдилар: уларнинг ҳар бири бизнинг даволаш усулимиз бошқаларнидан катта фарқи бор, деб даъво ҳам қиласидар.

Аммо ҳар бири даволаган касали билан мақтаниш, керилиши турган гап. Ишонч ёрдами билан даволаш, Ибодат ёрдами билан даволашлар нафи бўлмаган тақдирда зиёни ҳам тегмайди, чунки агар касал одамдори ичмоқчи бўлса, улар қарши ҳам турмайди; аммо бошқалари эса дори ичишни ман этади ва дунёдаги барча касалликларни илоҳий куч билан даволай оламиз деб даъво қиласидар. Бу усул, назаримда, хавфлироқ кўринади. Менимча, улар жуда катта кетсалар керак. Агар улар бунчалик катта кетмаганларида уларга омманинг ишончи, балки ошган бўларми?

Христианлик таълими тарғиботчиси ошқозонимдаги оғриқ ва тумовни тузата олмади, аммо ўтарчи эса бунинг уддасидан чиқа олди. Худди

деди. Қасал ҳам юриб кетаверди. Шу билан ҳамма ташвиш ҳам тугади. Бунга ҳозир қирқ икки йил бўлди. Касал ҳали ҳам ССР-саломат.— М. Т.

шу нарсадан сўнг Христианлик таълими жуда катта оғизлик қилишига имоним комил бўлди. Ўлашимча, улар касалнинг ички оғриқларини ўзига қўйиб бериши ва хирургия билангиша шуғулана берганлари маъқул эди. Худди шу соҳада улар ўз усуллари билан муваффақиятларга Эришишлари мумкинмиди?

Ўтарчи тобобати учун мендан ўттиз крейцер¹ сўраган эди, бердим; бу ҳам камлик қилгандек крейцерга икки ҳисса қилиб бир шиллинг² ҳам бердим. Миссис Фуллер эса икки юз ўттиз тўрт жойимдаги синган бир яшик суюкларни улагани учун узундан-узоқ счёт ёзиб юборди. Ҳар бир синган суюк учун бир доллар ҳисобида.

— Руҳдан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмасми?

— Ҳеч нарса,— деб жавоб берди у.— Руҳдан бўлак ҳамма нарса ўлик нарсалар, ҳаммаси тасавурдан иборат.

— Мен унга тасавурдаги чекни берган эдим, энди у мендан субстанционал долларлар талаб қилиб, мен билан судлашиб юрибди. Қани бунда мантиқ?

¹ Австрия пул ҳисобида маълум бир сумма.

² Англия пул ҳисобида маълум бир сумма.



МАРК ТВЕН

Машҳур америка ёзувчиси ва публицисти Марк Твен (Самюэл Ленгхорн Клеменс) 1835 йили Флоридада (Миссури штати) провинциал судья оиласида дунёга келган. У матбаачи, солдат, Миссисипи дарёсида лоцман, репортёр бўлиб ишлади. Твеннинг алабий фаолияти Америка Қўшма Штатларидаги озодлик учун олиб борилган гражданлар урушидан (1861—1865) кейин камол топа бошлади.

Ўзининг дастлабки юмористик ҳикоялари ва «Олтин ҳалли аср» номли биринчи романидаёқ ўқувчиларга кучли юморист ва сатирик ёзувчи сифатида танилди. «Том Сойернинг саргузаштлари» номли китобида санъаткор, буржуазия синфларини фош этди, унга дўстликни, баҳодирликни, ростгўйликни қарама-қарши қилиб қўйди. Ёзувчи ўзининг «Гекльберри финнинг саргузаштлари» романида Америка ҳаётини кўрсатса, «Шаҳзода ва гадой», «Қирол Артур саройидаги янкилар» романида оддий ҳалқни юқори табақа ҳисобланувчи синф томонидан эксплуатация қилинишини қоралади.

Марк Твен буржуазия демократиясининг энг илғор вакилларндан бўлиб, империализмнинг ижтимоий табиатини яхши англамаган, унга қарши кураш йўлини очиқ билмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, доллар ҳокимлиги баҳт ва инсоний ҳаёт моҳияти билан сигишимаслигини яхшигина тасаввур этарди. Унинг «Гедлиберг йўлдан оздирган инсон», «Фариштанинг мактуби» каби асарлари ана шу дунёқарашнинг маҳсулидир. Бу асарларда автор

монополистик капиталнинг ички ва ташки сиёсатини фош этди. Бу асарларнинг барчасида ёзувчи ўз халқи, ватанини қаттиқ севиши, инсонни эзувчи, уни ҳақоратловчи барча иллатларга қарши курашчи сифатида майдонга чиқди.

Америка адабиётидаги танқидий реализм асосчиси Марк Твен халқ оғзаки ижодига, унинг тарихига катта ҳурмат билан қараганлиги, ўнга асосланганлиги яратган асърларида ҳам яққол сезилиб туради.

У 1910 йили вафот этган.

МУНДАРИЖА

ЭЗМА БЕССИ	8
ҲАРБИЙ ИБОДАТ	8
ТАВРОТ ВАЪЗ-НАСИҲАТЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАКТИКА	14
ДАРВИШ ВА НОТАНИШ ШАДДОД	22
КАПИТАННИНГ ҲИКОЯСИ	29
ХРИСТИАНЛИК ТАЪЛИМИ	34
МАРК ТВЕН	61

На узбекском языке
МАРК ТВЕН
ЛЮБОЗНАТЕЛЬНАЯ БЕССИ
Рассказы

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1963

Перевод с издания Гослитиздата
1961 года

Редактор *М. Раҳмонов*
Рассом *К. Рудов*
Римлар редактори *И. Нирков*
Техн. редактор *Л. Паппихўжасов*
Корректор *С. Йўлдошев*

Босмахонага берилди 23/VI-1961 й. Босишига рутсат этитиди 24/VII-1963 й.
Формати 64×108¹/32. Босма л. 2,0 Шартли босма л. 3,28. Нашр л. 2,67.
Індекс. б/а. Тиражи 15000. УзССР Д влат бадий даврият нашриёти.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Ширтнома № 38—63.

* * *

УзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг Ихтиослаштирилган
ҳарф терув фабрикаси тайёрлаган матрицадан 1-босмахонасида босилди.
Тошкент, Ҳамза к. 11 1963. Заказ № 1103. Баҳоси 14 т.

Надіїмабимо „Ем спафуа“ — Талкем — 1962

НОВЕЦІЯ

ЛПНН Н НИМН

MAPK TBEH

На язівкою збирає

Бекерівський К. М. Я. К. Н. Н. О.
Лев. Першоп. Н. С. Б. А. П. О.
Печерський Є. Р. К. М. І. І. І. І. І.

Богданові Генадій 21.1.1962 р. Богданія. П'яцькар
Анчін І. О. Діапазон 600-800 нм. Науковий 11.8. Науковий 12.2.
"Ем спафуа" Німеччина 1962 р. Фотоматр. 84X108"». Документ
Томкін, Геннадій Михайлович, 30. Діапазон 12-62.
"Ем спафуа" Німеччина 1960
Лінійка 1500

Богданові Генадій 21.1.1962 р. Богданія. П'яцькар
Анчін І. О. Діапазон 600-800 нм. Науковий 11.8. Науковий 12.2.
"Ем спафуа" Німеччина 1962 р. Фотоматр. 84X108"». Документ
Томкін, Геннадій Михайлович, 30. Діапазон 12-62.
"Ем спафуа" Німеччина 1960
Лінійка 1500

Богданові Генадій 21.1.1962 р. Богданія. П'яцькар
Анчін І. О. Діапазон 600-800 нм. Науковий 11.8. Науковий 12.2.
"Ем спафуа" Німеччина 1962 р. Фотоматр. 84X108"». Документ
Томкін, Геннадій Михайлович, 30. Діапазон 12-62.
"Ем спафуа" Німеччина 1960
Лінійка 1500

XXVIII	606.	Ajogatcniarh kypgoonh	175
XXX	606.	Tomnir myaaffahintjan	182
XXXI	606.	Taxtra jyngnt mapocnni	185
XXXII	606.	Hipohnint taxtra jyngnum	191
XXXIII	606.	3aypa—kypora	203
XOTIMA	211	Ajognat ha kacoc	211
T.	Thanna.	Cyhrri cje	241